



ISSN 2181-9904

Doi Journal 10.26739/2181-9904

АГРО ПРОЦЕССИНГ ЖУРНАЛИ

2 СОН, 2 ЖИЛД

ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ

НОМЕР 2, ВЫПУСК 2

JOURNAL OF AGRO PROCESSING

VOLUME 2, ISSUE 2



ТОШКЕНТ-2020

Бош мухаррир: / Главный редактор: / Chief Editor:

Исаев Сабиржан Хусанбаевич
*қишлоқ хўжалиги фанлар доктори,
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги
механизациялаш муҳандислар институти профессори*

"АГРО ПРОЦЕССИНГ" журнали тахририй маслахат кенгаши

редакционный совет журнала "АГРО ПРОЦЕССИНГ"

Editorial Board of the JOURNAL OF AGRO PROCESSING

- **Бегматов И.А.**, техника фанлари номзоди,
*Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги
механизациялаш муҳандислар институти
профессори*

- **Бабажанов А.Р.**, иқтисод фанлари
номзоди, *Тошкент ирригация ва қишлоқ
хўжалигини механизациялаш муҳандислари
институти доценти;*

- **Сувонов Б.Ў.**, техника фанлари
номзоди, *Тошкент ирригация ва қишлоқ
хўжалигини механизациялаш муҳандислари
институти доценти;*

- **Рахмонов Қ.Р.**, иқтисод фанлари
номзоди, *Тошкент ирригация ва қишлоқ
хўжалигини механизациялаш муҳандислари
институти доценти;*

- **Баратов Р.**, техника фанлари номзоди,
*Тошкент ирригация ва қишлоқ
хўжалигини механизациялаш муҳандислари
нститути доценти;*

- **Нормуратов И.Т.**, қишлоқ хўжалиги
фанлари номзоди., *Тошкент Давлат Аграр
университети доценти;*

- **Худайкулов Ж.Б.**, қишлоқ хўжалиги
фанлари номзоди., *Тошкент Давлат Аграр
университети доценти;*

- **Каримов М.У.**, қишлоқ хўжалиги фанлари
номзоди., *Тошкент Давлат Аграр
университети доценти;*

- **Соатов Ў.Р.**, қишлоқ хўжалиги фанлари
номзоди., *Тошкент Давлат Аграр
университети профессори;*

- **Анорбоев А.Р.**, қишлоқ хўжалиги фанлари
номзоди., *Тошкент Давлат Аграр
университети доценти;*

- **Юлдашев Я.Х.**, қишлоқ хўжалиги
фанлари номзоди., *Тошкент Давлат Аграр
университети доценти.*

Page Maker \ Верстка \ Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


1.Орипов Г., Хожиматов А. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКАЛАРИНИ САҚЛАШДА ФЙДАЛАНАДИГАН ХИМОЯ ҚОПЛАМАЛАРИ ВА УЛАРНИ ҚЎЛЛАШ УСУЛЛАРИ.....	4
2.Bo'riyev S., Jalolov E., Ikromova H. YUKSAK SUV O'SIMLIKLANI YORDAMIDA OQ AMUR (STENOPHARYNGODON IDELLA) MAHSULDORLIGINI OSHIRISH BIOTEKNOLOGIYASI.....	9
3.Ёкубов Т. АГРОКЛАСТЕР КАК МЕХАНИЗМ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ СЕЛЬСКИХ ТЕРРИТОРИЙ АНДИЖАНСКОЙ ОБЛАСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН.....	14
4.Ёкубов Т. ЎЗБЕКИСТОНДА АГРАР ТАРМОҚНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ -ҚУВВАТЛАШ ВА МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРДАН ФЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....	18
5.Авазов Н. ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ АСОСИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ВА ТАННАРХИ ТАҲЛИЛИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ.....	24
6.Адизов Ш., Каримов Э. БУХОРО ВИЛОЯТИДА ТОМОРҚА ВА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИ ЕРЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	28
6.Назарова Ф., Хурамова Х. АҲОЛИ ЭҲТИЁЖЛАРИНИ ҚОНДИРИШДА АГРОКЛАСТЕРЛАРНИНГ ЎРНИ ВА ВАЗИФАЛАРИ.....	32
7.Салимова Н. ШИФОБАХШ ЎСИМЛИКЛАРНИ ЙИҒИБ ОЛИШ ТАРТИБИ, АСОСИЙ ВОСИТАЛАРИ ВА УЛАР ХОМ АШЁЛАРИДАН ДОРИ ШАКЛЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ.....	37
8.Мухторов Э., Дилмуродов Н. ҲИСОРИ ЗОТЛИ ҚЎЙЛАР ПОСТНАТАЛ ОНТОГЕНЕЗИДА ОЁҚ МУСКУЛЛАРИНИНГ МОРФОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИГА ЯШАШ ШАРОИТИНИ ТАЪСИРИ.....	44
9.Собиров И., Солиев Б.Ч. ЭЧКИЛАРНИ ИНФЕКЦИОН КАСАЛЛИКЛАРДАН МУХОФАЗА ЭТИШНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ.....	51
10.Юлдашев А., Исамов С., Сўфиев С., Қаямова О., Орифжонов Н. ЧИҚИТЛАРНИ ЎСИМЛИКЛАРГА ХАЙВОНЛАРГА ТУПРОҚҚА ИМОРАТЛАРЛАРГА ВА БОШҚА ЖИСИМЛАРГА ТАСИРИ.....	62
12.Юлдашев А., Исамов С., Сўфиев С. ВЛИЯНИЕ КЛИМАТИЧЕСКИХ КАТАСТРОФ НА МЕЛИОРАТИВНОЕ СОСТОЯНИЕ ЗЕМЕЛЬ В УСЛОВИЯХ СРЕДНЕЙ АЗИЯ.....	66

АГРО ПРОЦЕССИНГ ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ JOURNAL OF AGRO PROCESSING

Орипов Гуломиддин
ТДАУ Андижон филиали
Хожиматов Азизбек Асомиддинович
Андижон машинасозлик институти

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКАЛАРИНИ САҚЛАШДА ФЙДАЛАНАДИГАН ХИМОЯ ҚОПЛАМАЛАРИ ВА УЛАРНИ ҚЎЛЛАШ УСУЛЛАРИ

For citation: Oripov Gulomiddin, Khozhimatov Azizbek. AGRICULTURAL TECHNIQUES USED FOR STORAGE PROTECTIVE COATINGS AND METHODS OF APPLICATION. Journal of Agro Processing. 2020, 2 vol., issue 2, pp. 4-8

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2020-2-1>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада тажжавузкор (агрессив) мухитда ишлайдиган қишлоқ хўжалик техникаларига техник хизмат кўрсатиш ҳақида бўлиб, бунда мухитнинг таъсири ҳақидаги илмий тадқиқот натижалари келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалик техникалари, механизациялаш, тажжавузкор, тадқиқот, занглаш, минерал ва органик ўғитлар.

Орипов Гуломиддин

Андижонкий филиал ТГАУ
Хожиматов Азизбек Асомиддинович
Андижонкий машинностроительный институт

ИСПОЛЬЗУЕМЫЕ ДЛЯ ХРАНЕНИЯ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫЕ ТЕХНИКИ ЗАЩИТНЫЕ ПОКРЫТИЯ И МЕТОДЫ ИХ ПРИМЕНЕНИЯ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается влияние агрессивной среды на техническое обслуживание и ремонт сельскохозяйственной техники. По результатам исследования был проведен анализ жесткости сельскохозяйственной техники и

сделаны научные выводы.

Ключевые слова: сельскохозяйствeнная техника, механизация, агрессив, исследование, ржавчины, минеральные и органические удобрения.

Oripov Gulomiddin

Andijon branch TSAU

Khozhimatov Azizbek Asomiddinovich

Andijan machine-building institute

AGRICULTURAL TECHNIQUES USED FOR STORAGE PROTECTIVE COATINGS AND METHODS OF APPLICATION

ABSTRACT

This article discusses the impact of an aggressive environment on the maintenance and maintenance of agricultural machinery. Based on the results of the research, an analysis of the rigidity of agricultural machinery was made and scientific conclusions were made.

Keywords: agricultural machinery, mechanization, aggressive, research, rust, mineral and organic fertilizers.

Кишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 майдаги "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга механизация ва сервис хизматларини кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3751-сон қарори тасдиқланди[1]. Унга кўра:

- ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникалари рақобатбардош-лигини ошириш, экспорт маҳсулотлари турларини ва етказиш ҳажмини кенгайтириш;
- ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги учун зарур моддий-техника ресурслари ҳамда эҳтиёт қисмлари билан таъминлашни ташкил этиш;
- қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасида замонавий энергия ва металлларни тежовчи технологияларни жорий этиш ҳисобига замонавий юқори унумдор қишлоқ хўжалиги техникалари ва механизация воситаларини чиқариш бўйича янги ишлаб чиқаришни яратиш ва амалдагиларни модернизация қилишга қаратилган илмий-техникавий ва инвестициявий фаолиятни амалга ошириш каби бир қатор устивор вазифалар белгилаб берилди.

Мамлакатимизда бу вазифаларни амалда бажариш бўйича бир қатор комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, мазкур тармоқдаги ишларнинг амалдаги ҳолатини таҳлили ишлаб чиқариш жараёнларини жадал янгилаш ва модернизация қилишга, илғор технологияларни жорий этиш ва бутун тармоқни изчил ривожлантириш ҳамда маҳаллийлаштиришга тўсқинлик қилувчи тизимли муаммо ва камчиликлар мавжуд эканлигидан далолат бермоқда.

2017-2019 йиллар давомида Республика қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида барча фермер хўжаликлари ва кластерларга турли ресумдаги қишлоқ хўжалиги учун техникалар етказиб, уларни техникага бўлган талаби йилдан йилга қондирилиб борилмоқда Жумладан Class "Arion 630C", "New Holland

TD5.110", "LS 100 HC" (3 гилдирак), "TTZ LS G38", Дон ўриш комбайни Claas "Dominator 130", Ўт -ўргич "КИР-1,5" (АЖ "Агрегат заводи"), Пресс йиғич "Markant 55" (Claas), Макка ўриш комбайни "MC90S" Twin, Культиватор "КХУ-4В" (Чирчик ҚХТЗ), Чизел-культиватор "ЧКУ-4", Борона "БЗСС", Осма айланма омов "ПОН-3+1 (4x40)" (Агрегат заводи), Чуқур юмшатгич "ГР-370", Чигит экиш сеялкаси "СЧХ-4Б", КЕЙС-1200 сеялкасига ўғит бериш мосламаси, Пуркагичлар "ОРПД-12", Картошка кавлагич "КН" ва бошқа турли техникалар. Ушбу техникалар хозирги кунда қишлоқ хўжалигининг пахтачилик, галлачилик, чорва ва боғдорчилик соҳаларида кенг қўлланилиб келинмоқда.

Хар бир техника ўз вазифасига эга бўлиб, у маълум белгиланган муддатлар оралиғида иш фаолиятида бўлади. Белгиланган муддатда техниканинг соз ҳолатда бирор бир радларсиз ишлаши унинг техник қаров ўтказилишига ва ишламай турган вақт оралиғида уларни сақлашга қўйиш шартларининг қай даражада бажарилганлигига боғлиқ.

Қишлоқ хўжалик техникаси ташқи ўзгарувчан мухитда ишлайди. Яъни об-ҳаво, намлик, иссиқлик, тупроқ, тузлар, минерал ва органик ўғитлар, биологик қолдиқлар. Булар ҳаммаси вақт давомида техниканинг асосий ишчи қисмларига салбий таъсир кўрсатиб келади. Бундай таъсирларни олидини олиш ва камайтиришда турли химоя қопламалари (Эмал ПФ-133, Эмал ПФ-1115, Грунт ГФ-02 ва турли мойлар ва бошқалар) қўлланилиб келинади.

Бу химоя қопламаларига умумий факторлардан ташқари специфик (махсус) факторлар, кўпроқ агрессив факторлар ўз таъсирини ўтказади. Шунинг учун хар тамонлама бардошли қоплама тизимини танлашда юқоридаги таъсирларга бардошли эканлигини ҳисобга олиб танлаш керак.

Бунинг учун лок бўёқ материаллари ассартименти (хилма-хиллиги) кўп бўлиши ва қуйидаги талабаларни қондириш лозим.

- турли харорат диапазонидан юзага ёқизиш имконияти бўлиши;
- металл деталларни қоплаш олди ишларини осонлиги;
- қопламани минимал қатламлар сонидан кўзланган химоя даражасига эриши;
- ишлатиш давомида қопламада юзага келган нуқсонларни тезкор бартараф қилиш имконияти;
- турли лақ бўёқ материалларни бир-бирига максимал киришувчанлиги;
- лак бўёқ материалларини ишлатишга тайёрлашда ва уни ишлатиш давомида захарли моддаларни ишловчиларга минимал таъсири;
- машиналарни ишлаши давомида, уни жойдан жойга кўчиришда монтаж қилишда, таъмирлашда химоя қопламалари ўзининг декоратив ҳолатини ва механик мустаҳкамлигини сақлаш;
- кимёвий моддалар, мойлаш материаллари, совутиш суюқликлари ва ювиш ашёлари таъсирига турғунлиги;
- юқори ва паст харораларга ва хар хил ташқи зарбларга пухталиги;
- қопламани ейилишга ва хар-хил ўзгарувчан юкланишларга чидамлилиги;
- қопламани кимёвий ва биологик турғунлиги ҳамда озиқ-овқат махсулотларига таъсири йўқлиги ва ҳаказо.

Техника детал ва ишчи органларини химоялашда турли усулларида фойдаланиб келинади.

Қопламани сифатли сақланиши металл юзаларни қоплашга тайёрлаш ишларини сифатли ўтказишига ҳам боғлиқ бўлади.

Химоя қопламаларини қоплаш билан металлни занглашга бардошлилик

кўраткичларини бир неча баробарга ортириш мумкин, бу эса машина ёки унинг қисмларини ишдан чиқиб яроқсиз холга келиб қолишини олдини олади. Техникадан узоқ муддат фойдаланиш иконияти туғилади.

Лок бўёқ қопламаларини химоялаш даражаси металл юзасини тозалик даражасига, номлик ва агрессив мухитни металл юзасига ўтказмаслик (барьерлик) хусусияти билан белгиланади. Қопламаларни сифати занглаш натижасида қопламаларни қўпорилиш (кўчиб кетиши) бўкиб қолиши ва ташқи холати билан аниқланади. Химоя қопламаларни сифатини баҳолашда тадқиқотлар тажриба шароитида олиб борилди. Чунки, керакли маълумотларни 25-70 марта тез олиниши имконияти туғилади. Тажриба шароитида қоплама адгезияси (ёпишқоқлиги), зарбага чидамийлиги, электиклиги ва х.к-ларни текширилди. Тадқиқот натижасида биз аниқ маълумотга эга бўлдик.

Лак бўёқ қопламаларининг техник тавсифи

№	Номи маркаси	В3-4 бўйича ёпиш- қоқлиги, сек	Қуритиш режими		Қалинли -ги, мкм	Илова
			ҳарорат 110°C	Вақт и соат		
1	Эмал ПФ-133	25	30	30	50	Икки қатлам
2	Эмал ПФ-1115	22	30	30	50	Икки қатлам
3	Грунт ГФ-021	22	110	30	20	Бир қатлам

Минерал ўғитлар муҳитида химоя қопламаларининг адгезия кўрсаткичлари.

1. Ишлов берилмаган юза + ПФ-133
2. Ишлов берилмаган юза + ПФ-115
3. Механик ишлов берилган + ПФ-133
4. Механик ишлов берилган + НЦ-115
5. Занг модификатори-1 + ПФ-133
6. Занг модификатори-1 + ПФ-115
7. Занг модификатори-2 + ПФ-133
7. Занг модификатори-2 + НЦ-115

1.2 вариант тадқиқот ишлари бошланмасдан оқ унинг адгезия кўрсаткичлари ёмонлиги яъни қоплама юзага яхши ёпишмаганлиги аниқланди. 3.4 вариантда текширишларни қирқинчи кундан бошлаб адгезия кўрсаткичларини ёмонлашуви кузатилди. Бунга сабаб, намликни химоя қопламалари капилляр найчаларидан ўтиб металлни занглашига олиб келганлигидир. Юза занг модификаторлари билан тозаланганда 5.7 вариантлар қопламани адгезия хусусиятлари яхшиланганлиги кузатилди.

Химоя қопламасининг физик механик хусусиятларини энг юқори бўлишига сабаб, биринчидан занг модификаторлари ёрдамида занглаган юзалар тўлиқ тозаланган, иккинчидан занг модификаторлари юзани тозалаш билан биргаликда ундаги занг билан кимёвий реакцияга киришиб барьерлик химоя қопламаси ҳосил қилади.

Демак, техникаларни ишлатиш ва сақлаш жараёнида 5.8 вариантлардан

фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар


1. Северный А.Э./Сохраняемость и защита от коррозии сельскохозяйственной техники М., 1993, с. 232. (Severniy A.E./Soxranyaemost i zashchita ot korrozii selskoxozyaystven-noy texniki M., 1993, s. 232.)
2. Орипов Г. Повышение защитных свойств лакокрасочных покрытий сельскохозяйственных машин на основе применения модификаторов ржавчины / Автореферат дисс.на соиск.уч.ст.к.т.н.Минск.1987.-С.16.(Oripov G.Povisheniye zashitnix svoystv lakokrasochnix pokritiy selskoxozyaystvennix mashin na osnove primeneniya modifikatorov rjavchini / Avtoreferat diss. na soisk. uch. st. k.t.n. Minsk. 1987. -S. 16.)
3. Технические требования к консервационным материалам, предназначенным для защиты сельскохозяйственной техники от коррозии М. ГОСНИТИ, 1991.-С. 5. (Texnicheskiye trebovaniya k konservatsionnim materialam, pred-naznachennim dlya zashchiti selskoxozyaystvennoy texniki ot korrozii M. GOSNITI, 1991.-S. 5.)

АГРО ПРОЦЕССИНГ ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ JOURNAL OF AGRO PROCESSING

**Bo'riyev Sulaymon Bo'riyevich,
Jalolov Elbek Baxshilloevich,
Ikromova Hafiza Salim qizi**
Buxoro davlat universiteti

YUKSAK SUV O'SIMLIKLARI YORDAMIDA OQ AMUR (CTENOPHARYNGODON IDELLA) MAHSULDORLIGINI OSHIRISH BIOTEKNOLOGIYASI

For citation: Buriyev Sulaymon Buriyevich, Jalolov Elbek Bakhshilloevich, Ikromova Hafiza Salim kyzy. BIOTECHNOLOGY OF PRODUCING WHITE AMUR (CTENOPHARYNGODON IDELLA) WITH HIGH WATER PLANTS. Journal of Agro Processing. 2020, 2 vol., issue 2, pp. 9-13

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2020-2-2>

ANOTATSIYA

Maqolada oziq-ovqat hahsuloti hisoblangan oq amur (*Ctenopharyngodon idella*) balig'ini yetishtirishda mavjud muammolar va ularning yechimlari hamda baliq mahsuldorligini oshirishda yuksak suv o'simliklarining ahamiyati nechig'lik katta ekanligi aks ettirilgan.

Kalit so'zlar: Yuksak suv o'simliklari, kislarod, plankton, bentos, fitoplankton, biomassa, baliq, texnologiya.

**Буриев Сулаймон Буриевич,
Джалолов Элбек Бахшиллоевич,
Икромова Хафиза Салим кизи**

Бухарский государственный университет

БИОТЕХНОЛОГИЯ ПРОИЗВОДСТВА БЕЛОГО АМУРА (СТЕНОПХАРЫНГОДОН ИДЕЛЛА) С ВЫСОКИМИ ВОДНЫМИ РАСТЕНИЯМИ

АННОТАЦИЯ

В статье освещаются современные проблемы в разведении белой пищевой рыбы (*Ctenopharyngodon idella*) и важность высоких водных растений в повышении

продуктивности рыбы.

Ключевые слова: полноводные растения, кислород, планктон, бентос, фитопланктон, биомасса, рыба, технология.

**Buriyev Sulaymon Buriyevich,
Jalolov Elbek Bakhshilloyevich,
Ikramova Hafiza Salim kyzy**
Bukhara State University

BIOTECHNOLOGY OF PRODUCING WHITE AMUR (CTENOPHARYNGODON IDELLA) WITH HIGH WATER PLANTS

ANNOTATION

The article highlights the current challenges in breeding white food fish (*Ctenopharyngodon idella*) and the importance of high aquatic plants in improving fish productivity.

Keywords: High water plants, oxygen, plankton, benthos, phytoplankton, biomass, fish, technology.

Yuksak suv o'simliklari, suvdagi barcha tirik mavjudotlar hayotida muhim ahamiyatga ega ekanligi bilan ajralib turadi. Yuksak suv o'simliklari suvni kislorod (O₂) bilan boyitadi, suv qirg'oqlarini yemirilishidan saqlaydi. Baliqchilik hovuzlarida yuksak suv o'simliklarining maydoni 15-25% atrofida bo'lgani ma'qul. Hozirgi kunda respublikamiz baliqchilik xo'jaliklarining ayrim hovuzlarini maydoni 65-70% gacha qo'g'a (*Typha angustifolia* L., *T. latifolia* L.) bilan qoplangan, bu o'simliklarga qarshi kurashish katta muammoga aylandi. Baliqchilik hovuzlarida yuksak suv o'simliklari haddan ziyod ko'p bo'lishi, hovuzda organik moddani ko'payishiga, gidrokimyoviy muhitni yomonlashuviga, plankton va bentos organizmlar rivojiga salbiy ta'sir ko'rsatishiga, baliqlar uchun yaylov maydonini kamayishiga olib keladi. Yuksak suv o'simliklari ko'p bo'lgan baliqchilik hovuzlarida, mikroskopik suvo'tlari (fitoplankton) biomassasini barpo etishda qiyinchiliklarni yuzaga keltiradi. Oqibatida, yetishtirilayotgan oq do'ngpeshona (*Hypochthelminchtys molitrix*) baliqlarining vazni 1 kg ga yetmay, mineral o'g'itning ko'p qismi besamar sarflanadi. Yuksak suv o'simliklari esa minerallasgan ozuqa bilan oziqlanib, baliqchilik hovuzlarida tabora ko'proq maydonlarni egallab borada.

Yuksak suv o'simliklariga qarshi mexanik, kimyoviy, biologik kurash usullari mavjud. Mexanik kurashish usulini qo'llash uchun baliqchilik xo'jaliklarida mablag' yo'q, kimyoviy usulni qo'llash havfli va gerbitsidlarning narxi qimmat. Biologik kurash usuli esa ancha samarali hisoblanadi. Respublikamiz baliqchilari orasida oq amur (*Ctenopharyngodon idella*) balig'i qo'g'a (*Typha latifolia*, *Typha angustifolia*) o'simligini yemaydi, degan tushuncha mavjud. Bu tushunchani yuzaga kelishida, avvalgi texnologiyaga. Oq amur (*Ctenopharyngodon idella*) baliqlari hovuzlarni har bir gektar maydoni hisobiga 100-150 donadan o'tkazilishi sabab, deb bildik. Chunki bunday tig'izlikda oq amur baliqlari uchun hovuzni o'zida mavjud bo'lgan boshqa yuksak suv o'simliklari yetarli bo'lgan va ular qo'g'a o'simligi bilan oziqlanmagan. Agarda har bir gektar hovuzda 500-1000 ta gacha oq amur (*Ctenopharyngodon idella*) balig'ini boqadigan bo'lsak qo'g'a (*Typha latifolia*, *Typha angustifolia*) o'simligini unib chiqishidan boshlab to 45-50 sm bo'lgunga qadar iste'mol qiladi va baliqchilik hovuzlari qo'g'a (*Typha latifolia*, *Typha angustifolia*) o'simligidan

tozalanadi. Baliqchilik hovuzlarida suv hajmining o'zgarishi, bevosita shu hududda tarqalgan yuksak suv o'simliklariga ham ta'sir etadi. Yoz va kuz oylarida baliqchilik hovuzlari atrofida efitrofikasiya kuzatiladi. Baliqchilik hovuzlari qizg'oqlarida yuksak suv o'simliklari qurib qiladi[1]. Baliqchilik hovuzlarida o'sadigan yuksak suv o'simliklari, o't o'simliklar hisoblanadi. Suvda o'sadigan yuksak suv o'simliklari, suvda hayot kechiradigan hayvonlar (baliqlar, zooplankton, zoobentos) uchun muhim ahamiyatga ega[2].

Tadqiqot ishlari obyektini, baliqchilik hovuzlarida o'sadigan yuksak suv o'simliklari hamda o'txo'r baliqlar hisoblanadi. Hududda o'sadigan yuksak suv o'simliklar ro'yxatini tuzishda "Buxoro vohasi florasini tahlili" ma'lumotlarida [3] foydalanildi. Turlar tarkibini aniqlashda "Флора Узбекистана", "Определитель растений Средней Азии" [4] va gerbariy namunalarini yig'ishda mashrutli [5] metoddan foydalanildi. Turkum hamda turlarning ilmiy nomlari "Определитель растений Средней Азии" [4] va O'zRFA Botanika institutining Flora.uz tizimidan foydalanildi. Namuna yig'ish - dastlabki analiz va foydalanilgan uskunalardan yordamida, visual kuzatishlarni to'ldirib boradi. Namunalarni V.V. Alexinning "Dala sharoitida o'simliklarni va florani tadqiq qilish" va K.M. Deryuginaning " Suv havzalarini biologik tadqiq qilish qo'llanmasi" yordamida amalga oshirildi.[6]

Oq amur (*Ctenopharyngodon idella*) (1-rasm) yuksak suv o'simliklari bilan oziqlanishni, suvning harorati 10-12°C bo'lganda boshlaydi, ularni rivojlanishi uchun eng ma'qul suv harorat 20-30°C hisoblanadi. Baliqlarni o'sish sur'ati asosan suv haroratiga va ularni ozuqa bilan ta'minlanganligiga bog'liq. Oq amur (*Ctenopharyngodon idella*) baliqlarining lichinkalari 30 kun ichida, uzunligi 3 sm.gacha yetadi va yuksak suv o'simliklari bilan oziqlanishni boshlaydi. Past haroratda baliqlar yuksak suv o'simliklarini tanlab iste'mol qiladi. Suv harorati 18°C dan 30°C ga ko'tarilish jarayonida ularning barcha fiziologik jarayonlari faollashadi va ko'proq ozuqa iste'mol qilishga kirishadi. Hovuzlarga o'tkaziladigan oq amur (*Ctenopharyngodon idella*) baliqlarini tig'izligini oshirib, ularni hovuzni o'zida mavjud bo'lgan yuksak suv o'simliklariga qo'shimcha tarzda ryaska (*Lemna gibba* L, *Lemna minor* L, *Lemna trisulca* L.) va azola (*Azolla caroliniana* Willd.) dan foydalanish maqsadga muvofiq.

Ryaska (*Lemna gibba* L.) tarkibida (quruq modda hisobiga) 30-32% oqsil, 4-5% yog', 20-30% kraxmal bo'lishi, uning tarkibidagi oqsil moddasi bug'doy doniga nisbatan 12-16%, makkajo'xori doniga nisbatan 18-20%ga ko'pligi aniqlandi. Oq amur (*Ctenopharyngodon idella*) balig'ini lichinkasi 20-23 kundan boshlab ryaska o'simligi bilan oziqlana boshlaydi.



1-rasm. Oq amur (*Ctenopharyngodon idella*)

Laboratoriya sharoitida ryaska (*L. minor* L, *L. gibba* L, *L. trisulca* L.) har xil oziqalarda yetishtirish biotexnologiyasi o'rganildi. Yuksak suv o'simliklarini katta suv maydonlarida (0.5-1.0ga) yetishtirish usuli sinab ko'rilib, ishlab chiqarishga tadbiiq etildi.

Yuksak suv o'simliklarida ko'plab makroelementlar va mikroelementlar mavjud. Masalan: rdest (*Potamogeton filiformis* Pers., *P. pectinatus* L) urut (*Myriophyllum spicatum* L., *M. Verticillatum* L) tarkibida kalsiy va fosfor elementlari mavjudligi bilan barcha qishloq xo'jaligi ekinlaridan ustun turadi. Mikroelementlar eng ko'p miqdorda kichik ryaska

(*Lemna minor* L.) tarkibida mavjud bo'lib, uning 1 kg biomassasida 0.48 mg kobalt, 0.18 mg brom, 0.32 mg mis, 0.7 mg nikel, 4.8 mg titan borligi aniqlangan. Shuning uchun ham, oq amur (*Ctenopharyngodon idella*) baliqlaridan 1 kg biomassa olish uchun, 35 kg yuksak suv o'simliklari sarflanishi lozim bo'lgan holda, ryaska (*L. minor* L., *L. gibba* L., *L. trisulca* L) dan 20 kg sarflanishi kifoya.

Ilmiy adabiyotlarda oq amur (*Ctenopharyngodon idella*) balig'i, xara (*Chara fragilis* Desv.) ni o'zining og'irligiga nisbatan bir sutka davomida 206%, ryaskani (*Lemna minor* L.) 102%, qamishni (*Phragmites australis* (Cav) Trin ex Steud.) 35% iste'mol qilishi ko'rsatilgan. Oq amur (*Ctenopharyngodon idella*) baliqlari tomonidan yuksak suv o'simliklarini iste'mol qilishi haqida xilma-xil fikrlar mavjud bo'lishiga qaramasdan, 2017-yili bu biotexnologiyani amaliyotga tatbiq etish jarayonida, baliqlar tomonidan baliqchilik hovuzlarida mavjud bo'lgan qandaydir yuksak suv o'simligi iste'mol qilinmay qolganligi holatini uchratmadik.

Oxirgi yillar davomida respublikamiz baliqchilik suv havzalarida azolla (*Azolla caroliniana* Willd.) yuksak suv o'simligi keng tarqalib bormoqda. Bu o'simlikdan ayrim davlatlarda baliqlarni, o'rdaklarni, chuchqalarni, qoramollarni yetishtirishda oqsilining manbai (biostimulyator) sifatida foydalaniladi. Bu yuksak suv o'simligi tarkibida oqsil moddasi 12.8%, kletchatka 22.75%, karotin 23.3% mg/kg, yog' 0.94% ni tashkil etadi. Shu bilan birgalikda o'simlik tarkibida uglevodlar, B guruhiga mansub vitamini va boshqa fiziologik faol birikmalar borligi aniqlandi. Ayrim olimlarning e'tirof etishicha (Lumpkin, Pluckett, 1982; Nguen, 1984) bu o'simlik kelajakda odamlarni oziqlantirishda ham muhim manbaa bo'lib hisoblanishi mumkin. Azolla (*Azolla caroliniana* Willd.) biomassasini qishloq xo'jalik hayvonlari va parrandalar chiqindisidan foydalangan holda, o'simlikni katta - kichik baliqchilik hovuzlarida, ariq va zovurlarda yetishtirish ham mumkin. Azolla (*Azolla caroliniana* Willd.) biomassasini oqova suvlar va sizot suvlarda yetishtirish ham yaxshi natija beradi. Azolla (*Azolla caroliniana* Willd.) o'simligidan bizning sharoitimizda may-sentabr oylari davomida suvni har bir metr kvadrat yuzasidan bir sutka davomida 900-1300 gramm, yil davomida esa 1 ga hisobida 550-740 tonna ho'l biomassa olish mumkinligi aniqlandi.

Azolla (*Azolla caroliniana* Willd.) o'simligi O'zbekiston sharoitida asosan vegetativ yo'l bilan ko'payadi. O'simlik yon shoxchalari yetilib bo'lgach, osongina asosiy tanadan ajraladi va suvda tarqalib mustaqil o'sa boshlaydi. Hovuzlarda azolla (*Azolla caroliniana* Willd.) zichligi 400 g/m² qoldirib, qo'shimcha hosil asosiy hovuzga chiqarilib turishi lozim. Agarda o'simlik biomassasi 400 g/m² dan oshib ketsa u zichlashib, bir birining ustiga chiqib ketadi va sutkalik hosildorligi pasayib boradi.

Yuksak suv o'simliklari bilan baliqlarni oziqlantirishga qaratilgan ilmiy izlanishlardan ushbu biotexnologiyaning farqi shundan iboratki, avvalgi ilmiy izlanishlarda yuksak suv o'simliklari baliqlar uchun qo'llanilayotgan omixta yemga qo'shimcha ozuqa sifatida qaralgan bo'lsa, bu biotexnologiyada o'simliklar oq amur (*Ctenopharyngodon idella*) va karp (*Cyprinus carpio*) baliqlari uchun asosiy ozuqa sifatida qaraladi. Avvalgi uslubiy tavsiyalarda oq amur baliqlarini oziqlantirish uchun o'simliklar qayerdandir tashib keltiriladigan bo'lsa, tavsiya etayotgan ilmiy tadqiqot ishida yuksak suv o'simliklari asosiy hovuzni suv kiritish inshootida o'stirilganligi hisobiga, keyinchalik suv oqimi bilan asosiy hovuzga olib kelib tashlash bilan bog'liq bo'lgan sarf-xarajatlar tejab qolinadi.

Oq amur (*Ctenopharyngodon idella*) baliqlarini tig'iz o'tkazish hisobiga hovuzlar hosildorligini oshadi. Ayrim ma'lumotlarga qaraganda Xotiy Xalq Respublikasida 0.5 ga maydonga ega bo'lgan hovuzga tig'iz o'tkazilgan oq amur (*Ctenopharyngodon idella*) baliqlarini oziqlantirish uchun har kuni 3-4 tonnagacha yuksak o'simliklar (beda, makkajo'xori, kurmak, arpa, tariq) qaerdandir tashib keltirilib, hovuzlarga tashlanar

ekan. Bu texnologiyaning kamchiligi shundan iboratki, avvalo yuksak o'simliklarni quruq yerda yetishtirish kerak, ularni o'rish va tashib kelish uchun anchagina sarf-xarajatlar qilishga to'g'ri keladi va bu xarajatlar yetishtirilayotgan baliqlarning tan narxini qimmatlashishiga sabab bo'ladi. Ushbu holatni oldini olish maqsadida quyidagi tadbirlar bajarilishi lozim:

Yuksak suv o'simliklarini hovuzga suv kiritish inshootining bosh qismida qurilgan kichik o'simlik o'stirish hovuzida yetishtirib, keyinchalik yuksak suv o'simliklarni baliqlar tomonidan o'zlashtirilishiga qarab, chiqarib turish tavsiya qilinadi. Hovuzlarda yuksak suv o'simlik biomassasi ayrim hollarda 1 ga hisobiga 25-35 tonnaga yetkazish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar

- 1) Qobilov A.M. Orol dengizi mintaqasida yuzaga kelgan ofatlarning antrotabiiy muhitga ta'siri // Res.konf. 2015-y. 169-171 b
- 2) Esanov H.Q., Aslanova K.A., va boshq. Mikroskopik suvo'tlari va yuksak suv o'simliklarini ko'paytirish, ularni xalq xo'jaligida qo'llash // Res.konf.2018-y. 83-84 b
- 3) Esanov H.Q. Buxoro vohasi florasini tahlili. Biol. fan. fals. dokt. Dis.-Toshkent, 2017.-179 b
- 4) Определитель растений Средней Азии. В 11-х т. -Ташкент: Наука, 1968.
- 5) Щербаков А. В., Майоров С.Р. Инвентаризация флоры и основы гербарного дела (Методические рекомендации). - Москва: Товарищество научных изданий КМК, 2006.-С.48.
- 6) Jalolov E.B. Zarafshon baliqchilik xo'jaligi hovuzlaridagi yuksak suv o'simliklarining turlarini o'rganish. Mag. dis.-Buxoro, 2016.-20 b.


АГРО ПРОЦЕССИНГ ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ JOURNAL OF AGRO PROCESSING

Тахиржан Ганиевич Ёкубов

Старший преподаватель, Андижанский филиал Ташкентского
Государственного аграрного университета.

АГРОКЛАСТЕР КАК МЕХАНИЗМ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ СЕЛЬСКИХ ТЕРРИТОРИЙ АНДИЖАНСКОЙ ОБЛАСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

For citation: Takhirjan Ganievich Yokubov. AGRICLUSTER AS THE MECHANISM OF A SUSTAINABLE DEVELOPMENT OF RURAL TERRITORIES OF THE ANDIJAN AREA OF REPUBLIC UZBEKISTAN. Journal of Agro Processing. 2020, 2 vol., issue 2, pp. 14-17

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2020-2-3>

АННОТАЦИЯ

В статье исследованы актуальные проблемы, связанные с влиянием регионального агрокластера на улучшение социально-экономических показателей в сёлах Андижанской области Республики Узбекистан. Изучены теоретические подходы формирования кластеров. Даны описание, структура и особенности агрокластера Андижанской области. В заключении предложены рекомендации по его развитию, направленные на достижение устойчивого развития сельских территорий.

Ключевые слова: агрокластер, устойчивое развитие, сельские территории, переработка сельхоз продукции, продовольственная безопасность.

Takhirjan Ganievich Yokubov
Senior Lecturer Andijan Branch of
Tashkent state agrarian university

AGRICLUSTER AS THE MECHANISM OF A SUSTAINABLE DEVELOPMENT OF RURAL TERRITORIES OF THE ANDIJAN AREA OF REPUBLIC UZBEKISTAN

ABSTRACT

In article the actual problems connected with influence regional агрокластера on improvement of social and economic indexes in villages of the Andijan area of

Republic Uzbekistan are investigated. Theoretical approaches of formation кластеров are studied. The description, structure and features agricluster are given the Andijan area. In the conclusion recommendations about its development, directed on achievement of a sustainable development of rural territories are offered

Keywords: agrocluster, a sustainable development, rural territories, processing of agricultural production, food safety

В последние годы существенное внимание со стороны руководства Республики Узбекистан уделяется проблемам устойчивого развития сельских территорий. Из них, Андижанская область - самая восточная область Узбекистана, занимающая восточную часть Ферганской долины, является крупным аграрно-индустриальным регионом Республики Узбекистан. В области, занимающей менее 1% территории республики, проживает около 10% всего населения Узбекистана.[4]

В условиях изменившейся геополитической обстановки, принимая во внимание то, что в Андижанской области нет лишних земельных площадей, сельское хозяйство может развиваться за счет повышения эффективности производства. Учитывая то, что область является одной из самой густонаселённой в Республике Узбекистан, необходимо дальнейшее развитие производственной и социальной инфраструктуры и сферы приложения труда вне аграрного сектора. В сложившихся условиях ощущается острая потребность в рабочих местах, в создании мощностей по промышленной переработке сельскохозяйственного сырья, с последующим предложением готовой продукции на внутренний и внешний рынок.

Труд сельскохозяйственного товаропроизводителя уникален, ведь он предполагает, что человек, занимающийся выращиванием сельскохозяйственных культур и их переработкой, должен обладать обширным кругом знаний не только в областях, напрямую связанных с сельским хозяйством - агротехнике, селекции, растениеводстве, почвоведении, но и знать основы предпринимательства, маркетинга и менеджмента, налогообложения и других наук.

В Узбекистане необходимо искать новые пути выхода из сложившейся ситуации, разрабатывать новые механизмы развития аграрного сектора, чтобы обеспечить продовольственную безопасность страны, а также повышения экспорта сельскохозяйственной продукции.

Целью исследования является изучение особенностей агрокластера, установление его влияния на улучшение социально-экономических показателей в регионе и разработка рекомендаций, направленных на достижение устойчивого развития сельских территорий в Республике Узбекистан.

В настоящее время в Республике принята стратегия развития сельского хозяйства на 2020-2030 года, которая призвана обеспечить экономический и социальный рост на селе, повысить благосостояние людей в сельской местности и перевести их жизнь на качественно новый уровень развития.

Выражаясь научным языком, агрокластер - это союз экономически и территориально близко расположенных друг к другу компаний, которые способствуют общему развитию и росту конкурентоспособности каждой из них. Пока крестьяне пытаются разобщено выжить, конкурируя, как друг с другом, так и с крупными предприятиями, их западные коллеги давно нашли способ взаимодействовать друг с другом. Что показательно, оставаясь при этом самостоятельными. Аграрные кластеры Евросоюза, благодаря совместным

действиям и взаимовыручке, контролируют, по разным оценкам, от 15 до 20% европейского сельскохозяйственного рынка. Теперь и украинские аграрии начинают создавать кластеры по европейскому образцу, объединяя свои усилия для дальнейшего развития.[2]

Кластеры вначале стали развиваться в Европе и США, как научно-производственные объединения. К примеру, одна компания не могла сделать ту или иную деталь, узел или процессор. Поэтому она подключала к работе другие предприятия. В случае успешного выполнения заказов, они объединялись в единый производственный центр, оставаясь при этом самостоятельными предприятиями, которые сохраняют свой бренд, ноу-хау и базу клиентов.

В ядро регионального агрокластера входят хозяйствующие субъекты отраслевых секторов животноводства и растениеводства, а также ресурсный кадровый центр, обеспечивающий кластер кадрами, информацией и инновациями. Другими участниками агрокластера являются образовательные, научные, финансово-кредитные учреждения, выполняющие функции по его эффективному развитию. Регулирование, планирование и контроль за функционированием агрокластера выполняют органы государственной власти. Также участниками агрокластера на добровольной основе без внесения каких-либо первоначальных финансовых взносов могут стать предприятия сферы обслуживания, обеспечивающие снижение транзакционных и логистических издержек у сельхозтоваропроизводителей.

В научной литературе выявлено несколько различных подходов к определению сущности кластера, формулирующих ее следующим образом:

- географически соседствующие взаимосвязанные компании, действующие в определенной сфере, характеризующиеся общностью деятельности и взаимно дополняющие друг друга;
- вертикально-производственные цепочки, довольно узко определённые сектора, в которых смежные этапы производственного процесса образуют ядро кластера;
- отрасли промышленности, определённые на высоком уровне агрегации или совокупности секторов на еще более высоком уровне агрегации.

На основании вышеизложенного, агрокластер представляет собой стратегическое партнёрство группы географически локализованных, взаимосвязанных сельскохозяйственных товаропроизводителей, перерабатывающих и обслуживающих предприятий, учреждений государственного сектора, науки, образования и других организаций, объединённых общими интересами и действующими в сфере АПК, с целью получения участниками кластера синергетического эффекта, повышения конкурентоспособности и эффективности сельского хозяйства, а также способствующее устойчивому развитию сельских территорий.

Отметим, что характерными признаками агрокластера являются: максимальная географическая близость, отраслевая специализация, общность сырьевой базы и технологий, наличие взаимосвязей между участниками, общая культурная и социально-экономическая среда.

В Узбекистане, в 2018 году кластерная форма организации хлопково-текстильного производства по формированию рыночных отношений между фермерскими хозяйствами и предприятиями текстильной промышленности в экспериментальном порядке была внедрена в 20 районах республики на территории 160 тысяч гектаров. Суть её заключается в том, что отечественные текстильные

предприятия могут заказывать и авансировать производство хлопка-сырца напрямую у фермерских хозяйств и других сельскохозяйственных производителей.[4]

Для организаторов хлопково-текстильного производства дополнительно введён ряд условий:

- во-первых, эти организации содействуют эффективному и рациональному использованию земельных, водных и иных ресурсов, повышению урожайности и своевременному сбору выращиваемого хлопка-сырца, а также обеспечивают его дальнейшую углублённую переработку и увеличение производства продукции с высокой добавленной стоимостью;

- во-вторых, на них распространяются предусмотренные для фермерских хозяйств условия и порядок приобретения сельхозтехники в лизинг, поставки минеральных удобрений, посевных семян, горюче-смазочных материалов, средств химзащиты растений и др. материальных ресурсов;

- в третьих, хлопковое волокно, производимое для собственных нужд в рамках хлопково-текстильного производства, сертифицируется на добровольной основе. В общем порядке, хлопковое волокно подлежит обязательной сертификации;

- в четвёртых, объёмы произведённого хлопкового волокна, превышающие потребность собственных производственных мощностей, организаторы хлопково-текстильного производства может реализовать другим отечественным потребителям по прямым контрактам или через биржевые торги.

Документом утверждена схема финансирования производственного процесса. Банки кредитуют организаторов хлопково-текстильного производства за счёт средств Фонда целевого финансирования государственных закупок сельскохозяйственной продукции и оснащения техникой сельского хозяйства при Кабинете Министров Республики Узбекистана.

В 2018 году в 20 районах республики на площади в 164 тысячи гектаров налажена кластерная заготовка хлопка. Для расширения этой системы отобрано 44 инициатора, обладающих производственными мощностями и финансовыми возможностями. В 2019 году планируется заготавливать хлопок в 61 кластере, охватывающем 51% всех хлопковых полей.

В результате создания новых мощностей и организации деятельности кластеров в 2019 году в стране будет перерабатываться 78% заготовленного хлопкового волокна, что вдвое больше, чем в 2017 году. К 2020 году будет завершён переход к полной переработке хлопкового волокна.

Список использованных источников.


1. Портер М. Конкуренция / пер. с англ. яз. - М. Издательский дом "Вильямс", 2001. - 495 с.
2. Методические рекомендации "Формирование агропромышленного кластера муниципального района" /Под ред. Миндрин А. С.-М., 2010.-57 ст.
3. "Экокластер" запустил первую в России франшизу на экомгазины. // Интернет-журнал "Сельское хозяйство в России". [Электронный ресурс] - Режим доступа: // 11-12-2012/
4. Государственный комитет по статистике Республики Узбекистан, <http://www.stat.uz/STAT/index.php>.

АГРО ПРОЦЕССИНГ ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ JOURNAL OF AGRO PROCESSING

Тоҳиржон Ганиевич Ёкубов,
Тошкент давлат аграр университети Андижон филиали.

ЎЗБЕКИСТОНДА АГРАР ТАРМОҚНИ МОЛИЯВИЙ ҚўЛЛАБ - ҚУВВАТЛАШ ВА МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРДАН Фойдаланишни такомиллаштириш йўллари

For citation: Takhirjan Ganievich Yokubov. FINANCIAL SUPPORT OF AGRARIAN SPHERE AND WAY OF PERFECTION OF USE OF FINANCIAL RESOURCES IN UZBEKISTAN. Journal of Agro Processing. 2020, 2 vol., issue 2, pp. 18-23

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2020-2-4>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада аграр тармоқни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирларнинг амалий аҳамияти ва молиявий ресурслардан фойдаланишни такомиллаштириш йўллари ёритилган.

Таянч сўз ва иборалар: барқарор ривожлантириш, молиявий қўллаб-қувватлаш, кўп тармоқли фермер хўжаликлари, харажатларни молиялаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, имтиёзли кредитлар, суғурта тўловлари.

Тахиржан Ганиевич Ёкубов
Андижанский филиал Ташкентского
Государственного аграрного университета.

ФИНАНСОВАЯ ПОДДЕРЖКА АГРАРНОЙ СФЕРЫ И ПУТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ФИНАНСОВЫХ РЕСУРСОВ В УЗБЕКИСТАНЕ

АННОТАЦИЯ

В этой статье освещены практическое значение мероприятий, осуществляемых государством по финансовой поддержке аграрной сферы и пути совершенствования использования финансовых ресурсов.

Ключевые слова: устойчивое развитие, финансовая поддержка, многопрофильные фермерские хозяйства, финансирование расходов, переработка

сельскохозяйственной продукции, льготные кредиты, страховые выплаты.

Yokubov Takhirjan Ganievich
The Andizhan branch of the Tashkent
State agrarian university.

FINANCIAL SUPPORT OF AGRARIAN SPHERE AND WAY OF PERFECTION OF USE OF FINANCIAL RESOURCES IN UZBEKISTAN

ABSTRACT

This article highlights the practical importance of measures undertaken by the state to financially support the agricultural sector and ways to improve the use of financial resources.

Keywords: Sustainable development, financial support, versatile farms, financing of expenses, processing of agricultural production, soft loans, insurance payments.

Мамлакатимизда амалга оширилган ислохотларнинг асоси ва туб мақсади - мамлакатда ялпи ички маҳсулотни янада кўпайтириш, аҳоли эҳтиёжларини тўлиқ қондириш, халқимиз ва миллий бозорларимизни сифатли, арзон, рақобатбардош маҳсулотлар билан таъминлаш, корхоналар фаолиятини такомиллаштириш орқали ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш, аҳолини зарур иш жойлари билан таъминлаш, ҳар томонлама ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг даромадларини кўпайтириш орқали иқтисодий тараққиётга эришиш, пировардида мамлакатимизнинг миллий мустақиллигини мустаҳкамлашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев "Қишлоқ хўжалигини ислох қилиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари ҳеч шубҳасиз, биз учун энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади. Энг аввало, Агросаноат комплекси ва унинг локомотиви, яъни ҳаракатга келтирувчи кучи бўлган кўп тармоқли фермер хўжаликларини изчил ривожлантиришга катта эътибор қаратилади", - деб таъкидлаган эди[1].

Шунинг учун иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизация қилиш шароитида қишлоқ хўжалигида кўп укладли иқтисодиёт негизларини яратиш муҳим масала ҳисобланади. Республикамиз ҳукумати ҳам аграр секторни ислох қилишга, унинг шаклан ва мазмунан янги тузилмасини яратишга асосий эътиборни қаратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида фермерлик ҳаракатини янги босқичга олиб чиқиш мақсадида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссиясининг 2018-2021 йилларда фермер хўжаликларини босқичма-босқич кўп тармоқли фермер хўжаликларига айлантириш тўғрисидаги таклифига розилик берилди ҳамда 2022 йилнинг 1 январидан бошлаб кўп тармоқли фаолиятни йўлга қўймаган фермер хўжаликлари билан ер ижараси шартномалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бекор қилиниши белгилаб қўйилди[3].

Ушбу Фармон билан Вазирлар Маҳкамасига чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, мева-сабзавотчилик, асаларичилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа муҳим йўналишларини янада ривожлантириш, фермер хўжаликларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш ва унинг самарадорлигини янада оширишга қаратилган тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва киритиш топширилди.

Республикамизда давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, яъни, пахта хом ашёси ва ғалла етиштириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштиришда фермер хўжаликларини транш усулида бўнаклаш тизими ўрнига имтиёзли кредитлаш тизими босқичма-босқич жорий этила бошланди.

Ўтган давр ичида давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етиштиришни имтиёзли кредитлаш тизимини такомиллаштириш, фермер хўжаликларида сифатли ва ўз муддатида агротехнологик тадбирлар бажарилишини таъминлаш мақсадида муайян ижобий тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2006 йил ҳосилигача пахта хомашёси ва ғалла маҳсулотларига ажратиладиган имтиёзли кредитлар миқдори тузилган контрактация шартнома қийматининг 50 фоизи миқдорида белгиланган бўлса, 2006 йил ҳосилидан бошлаб бу кўрсаткич 60 фоиз қилиб белгиланди.

Амалга оширилган тадбирларга қарамасдан, фермер хўжаликларининг давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш харажатларини молиялаштириш бўйича муайян долзарб муаммолар мавжуд. Фермер хўжаликларига ажратилаётган имтиёзли кредит маблағлари маҳсулот етиштириш билан боғлиқ ҳақиқий харажатларни қоплаш учун етарли эмас-лиги, ажратилаётган кредит маблағларини ҳам ўз вақтида олиш имкониятини чекланганлиги, кредит маблағларидан харажат турлари бўйича қатъий лимит асосида тақсимлаб қўйилганлиги, кредит маблағидан харажат турлари бўйича фойдаланишга эҳтиёж бўлмаган тақдирда бу суммани тижорат банки томонидан қайтарилиб юборилиши ва бошқа муаммолар фермер хўжаликларида давлат эҳтиёжлари учун сифатли ва рақобатбардош қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, барча агротехнологик тадбирларни ўз муддатида сифатли ўтказилишига салбий таъсир кўрсатмоқда эди.

Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июндаги ПҚ-3096 сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди ва жамғарма маблағларидан қуйидаги мақсадларда фойдаланиш белгиланди:

- етиштириладиган пахта ва ғалла ҳосилини молиялаштириш;
- давлат хариди учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда иштирок этадиган фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотларига замонавий, юқори ишлаб чиқариш қувватига эга қишлоқ хўжалиги техникасини имтиёзли лизинг шартларида етказиб беришни молиялаштириш;
- уруғлик пахта етиштирувчи хўжалиklar, нав оригинаторлари бўлган илмий муассасаларга, шунингдек уруғлик чигитни тайёрлашда иштирок этган бошқа субъектларга тўланадиган устама маблағлари харажатларини қоплаш;
- жалб қилинган кредит ва унга ҳисобланган фоизларни қайтариш;
- ривожланаётган ва ривожланган давлатларнинг аграр соҳасини молиялаштириш бўйича тажрибасини кейинчалик унинг ижобий натижаларини республикада жорий қилиш мақсадида ўрганиш.

Жамғарманинг агентлари этиб қуйидагилар белгиланди:

- пахта ва ғалла етиштириш, харид қилиш, шунингдек, замонавий, юқори ишлаб чиқариш қувватига эга қишлоқ хўжалиги техникасини имтиёзли лизинг шартларида етказиб беришни молиялаштириш бўйича молия агенти - "Агробанк" акциядорлик тижорат банки;

- пахта хомашёсини харид қилиш, сақлаш, қайта ишлаш ва пахта маҳсулотларини сотиш бўйича тижорат агенти - "Ўзпахтасаноат" акциядорлик жамияти;

- ғаллани харид қилиш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича тижорат агенти - "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компанияси;

- замонавий, юқори ишлаб чиқариш қувватига эга қишлоқ хўжалиги техникасини имтиёзли лизинг шартларида етказиб бериш бўйича тижорат агенти - "Ўзагролизинг" акциядорлик жамияти, "Ўзмашлизинг" масъулияти чекланган жамияти.

Шунингдек, аграр тармоқда бозор муносабатларини кенг жорий этиш ҳамда қишлоқ хўжалигида молиялаштириш ва ўзаро ҳисоб-китоблар механизмларини тубдан такомиллаштириш, шу асосда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар ва уларга хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолатини яхшилаш, рентабеллигини ошириш, етиштирилаётган маҳсулот ҳажмлари барқарор ўсишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 февралдаги "Пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштиришни молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга асосан 2018-йил 1-мартдан бошлаб ишлаб чиқарувчиларнинг рентабеллиги ошишини ва юқори сифатли маҳсулотлар етиштиришни рағбатлантиришни таъминлайдиган навлар ва класслар бўйича пахта хом-ашёси ва бошоқли дон хариди юзасидан кафолатланган давлат нархларини белгилди.

Қарор билан 2018 йил учун пахта хом ашёси ва бошоқли экинлар учун давлат нархи белгилаб берилди. Масалан, 1 тонна 1 тоифали узун толали пахта учун 5 717 240 сўм, 1 тоифали буғдойнинг 1 тоннаси учун 1 230 570 сўм нарх кафолатланди.

2018 йил 1 мартдан бошлаб минерал ўғитлар фақатгина биржа савдолари орқали реализация қилинади. Фермер хўжаликлари учун дизель ёнилғиси 4600 сўм этиб белгиланди. Йил давомида бу нарх ўзгармайди.

Пахта хом-ашёси ва бошоқли экинлар етиштириш учун ҳокимлар томонидан тасдиқланган агротехник тадбирлар (карта) асосида ойма-ой то ҳосил етиштирилгунча кутилаётган ҳосилнинг 60 фоизигача тижорат банклари томонидан очиладиган кредит линияси орқали аванс берилади.

Тижорат банклари туман филиаллари томонидан кредит линиялари ҳар бир фермер хўжалиги бўйича очилиб, қуйида хужжатлар талаб этилади:

- контрактация шартномаси (қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилардан етиштирилаётган ёхуд улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар харид қилинишига доир муносабатларни тартибга солиди);

- тегишли туман ҳокими томонидан тасдиқланадиган кредит ресурсларининг кафолатланган ҳажми. Бунда қарорда кредит ресурсларининг минтақалардан ҳар бири ва ойлар бўйича умумий миқдорлари тасдиқланган.

Пахта хом-ашёси ва бошоқли дон экинларини етиштирувчи барча ссуда олувчиларга кредитлаш тадбиқ этилиб, қуйидаги мақсадлар учун берилади:

- иш ҳақи, солиқларни тўлаш;
- минерал ўғитлар, кимёвий ҳимоя воситалари, ЁММ сотиб олиш;
- уруғлик материал, механизациялаштирилган хизматлар ҳақини тўлаш;
- лизинг (молиявий ижара) шартларида етказиб берилган қишлоқ хўжалик техникаси учун лизинг тўловларини тўлаш;
- сув истеъмолчилари ассоциацияларининг хизматлари ҳақини тўлаш;
- етказиб берилган электр энергияси учун ҳақ тўлаш;
- пахта хом-ашёси ва бошоқли дон экинларини етиштириш билан боғлиқ бошқа харажат ва эҳтиёжлар ҳақини тўлаш: банкларнинг хизматлари, хўжалик ичидаги ирригация ва коллектор-дренаж тармоқларини сақлаш ва тозалаш ҳақини тўлаш, суғурта тўловлари бўйича харажатлар, Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг марказий аппарати, ҳудудий ва туман бўлинмалари ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашини сақлашга ажратмалар.

Ссуда олувчи хизмат кўрсатувчи тижорат банкига кредит олиш учун ариза билан мурожаат этади, унга контрактация шартномаси ва туман ҳоқими томонидан тасдиқланган кредит ресурсларининг кафолатланган ҳажмини илова қилади.

Пахта хом-ашёси ва бошоқли дон экинларини етиштирувчиларни имтиёзли кредитлаш шартлари қуйидаги 1 - жадвалда келтирилади.

1-жадвал. Имтиёзли кредитлаш шартлари

Кредит тақдим этиладиган муддат	Фоиз ставкаси	Ажратилаётган кредит миқдори
Етиштиришга: а) бошоқли дон экинлари – 12 ойдан кўп эмас; б) пахта хом ашёси – 14 ойдан кўп эмас. Узайтириш ҳуқуқисиз.	Йиллик 3%, шу жумладан 2% миқдоридаги банк маржаси.	Туман ҳоқими томонидан тасдиқланадиган кредитлар ҳажми асосида белгиланади.

Манба: <https://www.norma.uz>

Кредит қайтарилишини таъминлаш турлари қуйидагича белгиланди:

- қарздор олган кредитни қопламаслиги хатарининг тижорат банки фойдасига суғурталаниши тўғрисида суғурта полиси ёки ссуда олувчининг бўлғуси ҳосилни суғурталаш;

- кафиллик ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа таъминот турлари.

Сўнги 3 йил давомида тижорат банки олдидаги ўз мажбуриятларини ҳамда пахта хом-ашёси ва бошоқли дон экинларини етиштиришга доир давлат буюртмасини бажариб келаётган фермер хўжаликларига кредитлар таъминотсиз берилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ш.Мирзиёев. Эркин фаровон, демократик Ўзбекистон Давлатини биргаликда барпо этамиз Т.: Ўзбекистон, 2016. 15-б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги "Фермер,

деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" ги ПФ-4947-сонли Фармони. 2017 йил 07 феврал. Манба: www.lex.uz

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 февралдаги "Пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштиришни молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3574 қарори. Манба: www.lex.uz


6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Бошоқли дон етиштиришни янада рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги 959-сонли қарори, 2018 йил 27 ноябрь. Манба: www.lex.uz

АГРО ПРОЦЕССИНГ ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ JOURNAL OF AGRO PROCESSING

Авазов Нуриддин Рустам ўғли
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ АСОСИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ВА ТАННАРХИ ТАҲЛИЛИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

For citation: Avazov Nuriddin Rustam ogli. THEORETICAL FOUNDATIONS OF AGRICULTURAL COSTS AND ANALYSIS OF COSTS BASED ON FOREIGN EXPERIENCE IN THE INVESTMENT CLIMATE. Journal of Agro Processing. 2020, 2 vol., issue 2, pp. 24-27

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2020-2-5>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада инвестицион муҳитни шакллантирим шароитида хориж тажрибаси асосида қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ва таннархи таҳлилининг назарий масалалари келтирилиб ўтилган. "Стандарт-кост" ва "Директ-костинг" ҳисоб тизимлари таҳлили келтирилган. Бу хориж ҳисоб тизимларини амалий жиҳатдан ўрганиш ва амалий қўллаш самарадорлиги келтирилган. Бунинг асосида эса мамлакат инвестицион муҳитини шакллантиришда қишлоқ хўжалиги соҳасида ижобий натижага эришиш мумкин.

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги, инвестицион муҳит, Стандарт-кост, Директ-костинг, харажатлар, молиявий натижалар, таннарх, маржинал харажатлар.

Авазов Нуриддин Рустам ўғли

Ташкентский государственный экономический университет

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ ЗАТРАТ И АНАЛИЗ ЗАТРАТ НА ОСНОВЕ ИНОСТРАННОГО ОПЫТА В ИНВЕСТИЦИОННОМ КЛИМАТЕ

АННОТАЦИЯ

В данной статье представлены теоретические вопросы анализа затрат и затрат

на сельскохозяйственную продукцию на основе зарубежного опыта в контексте формирования инвестиционного климата. Представлен анализ систем учета "Стандарт-кост" и "Директ-костинг". Представлена эффективность практического изучения и практического применения этих зарубежных систем учета. На основании этого можно добиться положительных результатов в развитии инвестиционного климата в аграрном секторе.

Ключевые слова: сельское хозяйство, инвестиционный климат, Стандарт-кост, Директ-костинг, расходы, финансовые результаты, затраты, предельные издержки.

Avazov Nuriddin Rustam o'g'li
Tashkent state university of economics

THEORETICAL FOUNDATIONS OF AGRICULTURAL COSTS AND ANALYSIS OF COSTS BASED ON FOREIGN EXPERIENCE IN THE INVESTMENT CLIMATE

ANNOTATION

This article presents theoretical issues of the analysis of costs and costs of agricultural products based on foreign experience in the context of the formation of an investment climate. The analysis of accounting systems "Standard-cost" and "Direct-costing" is presented. The effectiveness of the practical study and practical application of these foreign accounting systems is presented. Based on this, positive results can be achieved in the development of the investment climate in the agricultural sector.

Key words: agriculture, investment climate, Standard-cost, Direct-costing, expenses, financial results, costs, marginal costs.

Иқтисодийни модернизациялаш даврда хўжалик субъектлар ўртасида иқтисодий рақобатбардошлик муҳитининг шаклланиши ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини ҳисоблаш ва таҳлилининг илғор тизимларидан фойдаланиш заруриятини туғдиради.

Хорижий мамлакатларда бошқарув таҳлилини юриштиринг замонавий шароитида стратегик ва тактик хусусиятга эга бўлган бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёни фермер хўжалигининг харажатлари ва молиявий натижалари ҳақидаги ахборотга таянади. Бу вазифаларни бажаришда бир қатор замонавий тизимларнинг аҳамияти каттадир. Шулардан бири "Стандарт-кост" тизимидир. Унинг асосида белгиланган нормалар доирасида ҳамда улардан четланишлар бўйича ҳисоб юритиш ва назорат қилиш тамойиллари ётади.

Харажатларни норматив усулда аниқлаш XX аср бошларида АҚШ да пайдо бўлди. Бу Ф.Тайлор, Г. Эмерсон ва бошқа муҳандислар таклиф қилган илмий менежмент тамойилларидан бири эди. Улар харажатларнинг норматив ҳисобини ривожлантириш учун туртки бердилар. Ушбу олимлар меҳнат ва материаллардан фойдаланишнинг ягона, энг яхши йўлини аниқлаш учун стандартлар қўллар эдилар. Бу стандартлар материаллар ва меҳнат истеъмолининг энг кам даражасига келтиришни таъминловчи режани қабул қилиш учун ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади[1]. Харажатларни норматив усул билан ҳисобга олишнинг тизимини биринчи марта 1911 йилда АҚШ да Ч.Гаррисон ишлаб чиқди ва амалиётга тадбиқ этди. Унинг "Таннарх ҳисоби ишлаб чиқаришга ёрдам бермоқда"(1918 йил) номли мақоласида олдиндан нафақат "тарихий" таннарх ҳисоби тизимининг уйғунлигига

эътибор қаратилган, балки "Стандарт-кост"ни ташкил этиш вариантларини кўпгина тавсиялари келтирилган.

Ч.Гаррисоннинг "Стандарт-кост" гоёси иккита гоё билан ифодаланади: барча харажатлар ҳисобида стандартлар билан таққосланган булуши керак; ҳақиқий харажатлар стандартлари билан қиёслаганда аниқланган оғишишларнинг сабаблари ва жавобгарлик марказлари бўйича ҳисоб юритилиши керак[2].

"Стандарт-кост" тизими бу харажатлар ҳисоби ва таннархни аниқлаш тизими бўлиб, унда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархи аввалдан пухта, обдон ҳисоблаб чиқарилган норматив харажатлар ёрдамида баҳоланади, кейин эса ҳақиқий қилинган харажатлар билан таққосланади. Норматив ва ҳақиқий харажатлар ўртасидаги фарқ четланиш деб аталади. Харажатларни самарали бошқаришнинг муҳим воситаларидан бири чет чиқишлар таҳлили деб юритилади.

"Директ-костинг" ҳисоб тизими бугунги кунда АҚШ ва барча иқтисодий ривожланган мамлакатларда кенг қўлланилмоқда. Германия ва Австралияда мазкур усул "қисман харажатлар ҳисоби" деб аталади. Британияда у "маржинал харажатлар ҳисоби" деган номларни олган. Ўзбекистонда эса "чекланган, тўлиқ бўлмаган ёки қисқартирилган таннарх ҳисоби" тушунчалари қўлланилиб келинмоқда. Бизнинг назаримизча, бу иқтисодий атамани "бухгалтерия ҳисобининг маржинал усули" деб номлаш ўринли бўларди. Чунки бундай ёндашувни "Директ-костинг" тизимида асосий кўрсаткич маржинал даромад бўлгани билан боғлаш мумкин.

Маржинал даромад усули гарб мамлакатларида ишлаб чиқаришни (экстинсив) ривожланиш моделини ўрнига янги модел-интенсив ривожланиш модели сифатида фойдаланила бошлади. Бундай моделдан фойдаланиш, ўз навбатида, харажатларни бевосита ва билвосита, асосий ва қўшимча, доимий ва ўзгарувчан харажатлар аниқ бўлинишни ва шу асосда бошқаришнинг стратегик вазибаларини ҳал этишни талаб қилади.

Юқоридаги келтирилган тавсиялардан кўриниб турибдики, "Директ-костинг" тизимининг асосий мақсади корхона харажатларини ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаришига боғлиқ ҳолда доимий ва ўзгарувчан харажатларга бўлишдан иборат. "Директ-костинг" тизими тавсифи учун нафақат ном, балки у кўзлаган мақсад ҳам муҳим аҳамият касб этади. 1965 йилда Р.Энтони шундай ёзган эди: "Ҳисоб-китоблар учун кўпгина компаниялар таннарх ҳақидаги уч турдаги маълумотдан фойдаланади: жавобгарлик марказлари бўйича маҳсулот таннархи туғрисида (маъсул ижрочилар фаолиятини режалаштириш ва назорат қилиш учун); тўлиқ ишлаб чиқариш таннархи туғрисида (қўлай шароитларда баҳо белгилаш ва бошқа тезкор қарорларни қабул қилиш учун); бевосита ишлаб чиқариш таннархи ҳақида (махсус ҳолатларда, масалан, фойдаланилмаган қувватларни ишга солиш зарур бўлган ҳолларда боҳоларни белгилаш ва бошқа тезкор қарорлар қабул қилиш учун)"[3].

"Директ-костинг" ҳисоби тизимининг асосий афзалликлар қўйидагилар: маҳсулот таннархини ҳисоблашдаги содалаштириш ва аниқлик; маҳсулот турлари ўртасида доимий харажатларни шартли тақсимлаш учун мураккаб ҳисоб-китоблар қилинмаслиги; рентабеллик даражаси; маҳсулотнинг хилма-хил турлари бўйича рентабеллик даражасини қиёсий таҳлил қилиш имконияти; ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот ёки хизматлар ҳамда уларни четдан сотиб олишдаги танлов имконияти.

Шунингдек, "Директ-костинг" тизимининг назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ қилиш унга хос бўлган қўйидаги камчиликларни аниқлашга имкон беради: рақобат кўринишида демпинг (алоҳида маҳсулотлар бозорда имтиёзли ҳолатга

эришиш учун атайлаб пасайтирилган баҳолар бўйича товарлар сотиш); "Директ-костинг" тизимини муҳолифларнинг фикрича, амалий фойдада харажатларни доимий ва ўзгарувчан харажатларга тақсимлашда бирмунча қийинчиликлар тўғилади; фақат ишлаб чиқариш таннархи яъни моддалар қисқартирилган номеклатура нуқтаи-назаридан ҳисоб олиб бориш ҳисоб талабларига жавоб бермайди, чунки бундай зарурий маҳсулотнинг тўла таннархи ҳисоб китоб қилинмайди.

Хорижий мамлакатларда шаклланган молиявий таҳлил усуллари ҳар томонлама ўрганилиб, ундан кенг фойдаланишда, мамлакатимизда таҳлил усулларни шакллантиришда асосий ўрин эгаллайди. Шу жумладан Н.П.Любушин томонидан ушбу масалада қуйидагича фикр билдирилган: "Маҳсулот таннархи таҳлили қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

- Таннарх кўрсаткичларини умумлаштирувчи кўрсаткичлар динамикаси ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи факторларни таҳлили;
- Маҳсулот бирлиги таннархи ёки 1 рубллик товар маҳсулоти таннархи ;
- Харажатлар таркиби ва унинг динамикаси таҳлили;
- Харажат моддалари бўйича маҳсулот таннархи таҳлили;
- Харажат моддалари бўйича таннархни омилли таҳлили;
- " Таннархни пасайтириш резервларини аниқлаш.

Таннархни таҳлили ретроспектив, шунингдек оператив, дастлабки, башоратлаш каби шаклларда ўтказилиши мумкин[4]. Демак таннарх таҳлилини амалга оширишда оператив, дастлабки, башоратлаш таҳлилларини амалга оширилиши таннархни пасайтиришдаги резервларни аниқлаш имконини беради ва уни пасайтириш тадбирларини белгилаб, шу соҳада тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш учун шарт-шароит яратиб беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Файоль А, Эмерсон Г., Тейлор Ф., Форд Г. Управление -это наука и искусства.-М.:Республика, 1992.-90 с. (Fayol A, Emerson G., Teylor F., Ford G. Upravlenie -eto nauka i iskusstva.-M.:Respublika, 1992.-90 s.// A.Fayol, G.Emerson, F.Teylor, G.Ford., Governance is a science and art.-M.: Republic, 1992.-90 p.)
2. Гаррисон.Ч. Оперативно-калькуляционный учёт производства и сбыта.-М.:Техника управления, 1996.-163 с. (Garrison.Ch. Operativno-kalkulyasionniy uchyot proizvodstva i sbita.-M.:Техника upravleniya,1996.-163 s.// Ch.Garrison, Operational and cost accounting of production and sales.-M.: Governance Techniques, 1996.-163 p.)
3. Энтони Р., Дж.Рис.Учет:ситуации и примеры.-М.:Финансы и статистика, 1993.-50 с. (Entoni R., Dj.Ris.Uchet:situatsii i primeri.-M.:Finansi i statistika,1993.-50s.// R.Etoni, Dj.Ris, Accounting: situations and examples.-M.: Finance and statistics, 1993.-50p.)
4. Любушин Н.П., Лещева В.Б., Дьякова В.Г. Анализ финансово-экономической деятельности предприятия/Под ред.проф. Н.П.Любушина. -М.:ЮНИТИ-ДАНА, 1999.-471с. С.316. (Lyubushin N.P., Lesheva V.B., Dyakova V.G. Analiz finansovo-ekonomicheskoy deyatelnosti predpriyatiya/Pod red.prof. N.P.Lyubushina. -M.:YUNITI-DANA, 1999.-471s. S.316.// N.P.Lyubushin, V.B.Dyakova, Analysis of financial and economic activity of the enterprise / Ed. Prof. N.P. Lyubushin. -M.: UNITY-DANA, 1999.-471s. S.316.)


АГРО ПРОЦЕССИНГ ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ JOURNAL OF AGRO PROCESSING

**Адизов Шухрат Бафоевич.
Каримов Эркин Қодирович.**

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаш муҳандислари
институти Бухоро филиали. Бухоро

БУХОРО ВИЛОЯТИДА ТОМОРҚА ВА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИ ЕРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

For citation: Адизов Шухрат Бафоевич, Каримов Эркин Қодирович. WAYS TO INCREASE THE EFFECTIVE USE OF LANDS OF PERSONALITIES AND DEKHAN ECONOMIES IN THE BUKHARA REGION. Journal of Agro Processing. 2020, 2 vol., issue 2, pp. 28-31

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2020-2-6>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Республикамизда деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерлари майдонлари ва улардан оқилона, самарали фойдаланиш бўйича айрим тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар. Аграр соҳа, истеъмол бозори, ерларни ўзлаштириш, фермер, деҳқон хўжалиги, томорқа.

ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЗЕМЕЛЬ ПРИУСАДЕБНЫХ И ДЕХКАНСКИХ ХОЗЯЙСТВ В БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье приводятся сведения о площадях дехканских и приусадебных земель в республике и рекомендации по рациональному и эффективному использованию их.

Ключевые слова. Аграрный сектор, потребительский рынок, рекультивация земель, фермерские, дехканская хозяйство, хозяйственные.

WAYS TO INCREASE THE EFFECTIVE USE OF LANDS OF PERSONALITIES AND DEKHAN ECONOMIES IN THE BUKHARA REGION

ANNOTATION

This article provides information on the areas of dekhkan and household lands in the republic and recommendations on their rational and efficient use.

Key words. The agricultural sector, the consumer market, land reclamation, farming, dekhkan farms, household.

Кириш. Мамлакатимизда туб ислохотлар ўтказилаётган бир даврда қишлоқ хўжалигига бўлган эътибор сезиларли даражада жадаллашди. Айниқса қишлоқ хўжалиги ерлари, деҳқон хўжаликлари, томорқа ерлари республикадаги қиммат ерлари сирасига кириб бормоқда.

Мамлакатимизда айнан томорқа ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш учун амалга оширилган чора-тадбирлар натижаси ўлароқ қишлоқ хўжалигидаги уларнинг ўрни ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари мустаҳкамланиб бормоқда. Аграр соҳада томорқа ва деҳқон хўжаликларини янги уклад сифатида шакллантириш ҳақиқий мулкдорлар синфини вужудга келтириш билан бирга бошқа мулкчилик турларига асосланган қишлоқ хўжалик корхоналари билан маълум даражада рақобат муҳитини яратади.

Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, "Мақсад - қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин ошириш, қишлоқда яшаётган халқимизнинг ҳаёт даражасини кўтариш, улар учун шартшароитларни яратишдан иборат бўлмоғи керак." Ҳозирги пайтда мамлакатимиз истеъмол бозорини тўлдириш ва аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш кўпроқ томорқа ва деҳқон хўжаликлари фаолиятига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Республикаимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар асосан халқимиз турмуш даражасини яхшилашга, фаровонлигини оширишга қаратилган. Шу маънода айнан қишлоқ хўжалиги соҳасига берилаётган катта эътибор мантиқан ҳисобласак, тўғридир[1].

Таҳлиллар. Деҳқон майда товар хўжалиги бўлиб, оила бошлиғига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқида берилган томорқа ер участкасида оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиради ва сотади. Деҳқон хўжалиги фаолияти тадбиркорлик фаолияти жумласига киради ва хўжалик аъзоларининг истагига кўра юридик шахс ташкил этган ҳолда ва юридик шахс ташкил этмасдан амалга оширилиши мумкин. Деҳқон хўжалиги белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган кундан эътиборан ташкил этилган деб ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) аъзоларининг, бошқа қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги, корхона, муассаса ва ташкилотлари ходимларининг оилаларига, шунингдек, қишлоқ жойларида яшовчи ўқитувчилар, шифокорлар ва б. мутахассисларнинг оилаларига деҳқон хўжалиги юритиш учун томорқа ер участкаси, иморат ва ҳовли эгаллаган майдонни ҳам қўшганда, суғориладиган ерларда 0,35 гектаргача ва суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 0,5 гектаргача, дашт ва чўл минтақасида эса суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 1 гектаргача ўлчамда берилади[2].

[3].

**Сугориладиган экин ерларининг Қорақалпоғистон Республикаси,
Тошкент шаҳри ва вилоятлар бўйича ўзгариши**

(минг га ҳисобида)

Т/р	Республика, шаҳар ва вилоятларнинг номи	Тегишли йилларнинг 1 январь ҳолатига ер майдонлари						2016 йилга нисбатан фарқи (+/-)
		2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	
1	Қорақалпоғистон Республикаси	423,6	423,6	423,4	417,0	418,1	418	-0,1
2	Андижон	203,8	203,5	203,3	202,7	203	202,5	-0,5
3	Бухоро	200,6	200,6	200,7	200,8	200,8	201,2	0,4
4	Жиззах	263,9	263,7	262,6	262,1	261,4	261,1	-0,3
5	Қашқадарё	421,8	421,7	421,2	420,4	420,5	420,5	0
6	Навоий	91,0	91,0	91	90,7	91,1	91,4	0,3
7	Наманган	197,9	197,7	196,2	194,5	193,1	192,5	-0,6
8	Самарқанд	253,7	253,7	252,7	252,8	251,9	248,9	-3
9	Сурхондарё	241,6	241,5	241,2	241,0	240,9	240,4	-0,5
10	Сирдарё	250,9	250,4	250,4	250,3	249,8	249,7	-0,1
11	Тошкент	303,6	303,4	302,1	301,7	299,5	298,9	-0,6
12	Фарғона	249,2	248,8	248	247,8	247,7	247,7	0
13	Хоразм	205,4	205,4	205,3	206,0	206,3	206,2	-0,1
14	Тошкент ш.	0,3	0,2	0,4	0,4	0,4	0,4	0
	Жами:	3307,3	3305,2	3298,5	3288,2	3284,5	3279,4	-5,1

Томорқа ва деҳқон хўжалиги меҳнат шартномаси асосида бошқа шахсларни ишга ёллаши мумкин. Ёлланма ишчилар томорқа ва деҳқон хўжалигининг аъзолари ҳисобланишмайди. Томорқа ва деҳқон хўжалигининг бошлиғи шу хўжаликнинг 18 ёшга тўлган, қишлоқ хўжалиги соҳалари бўйича тегишли малака, мутахассислик, иш тажрибасига эга бўлган, муомалага лаёқатли аъзоларидан бири танланади. Томорқа ва деҳқон хўжалиги бошлиғи вақтинчалик иш қобилиятини йўқотганда ёки узоқ вақт бўлмаганда у ўз вазифасини бажариш ваколатини шу хўжалик аъзоларидан бирига беради. Томорқа ва деҳқон хўжаликлари қуйидаги шартномалар асосида иш юритади. Ҳада қилиш шартномаси, қарз шартномаси, кредит шартномаси, етказиб бериш шартномаси, олди-сотди шартномаси, қўчмас мулкни сотиш шартномаси. Шартнома шартлари ноаниқ бўлса, натижада ишловчиларда жавобгарлик маъсулияти етарли бўлмайди. Бу албатта, келгусида, шартноманинг бажарилмаслигига олиб келади. Ҳосил ҳам, даромад ҳам шунга яраша бўлади. Томорқа ва деҳқон хўжалигини бошқариш бошқа турдаги корхоналарни бошқаришдан қисман фарқ қилади. Бошқаришнинг асосий вазифалари, принциплари ва усуллари бир хил, лекин улар турли корхоналарда турлича қўлланилади. Фарқи шундаки, корхоналарнинг ҳажми ва фаолияти бошқаларникидан фарқ қилади. Ишлаб чиқариши ташқарида жойлашган томорқа ва деҳқон хўжалигини юритиш мураккаб ва таваккал қилишни, талаб етади, бунга сабаб маҳсулот ва нархнинг ўзгарувчанлиги ҳамда обҳавонинг ишлаб чиқариш жараёнига таъсири этишидир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, иқтисодий муаммолар ичида

Ўзбекистон Республикаси учун мавжуд фойдаланилаётган ерлар самарадорлигини ошириш, ерларни муҳофаза қилиш, тупроқлар унумдорликларини тиклаш ва ошириб бориш кабилар муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Ушбу масалаларни ҳар томонлама тўғри ҳал қилиш иқтисодиёт тармоқларида ердан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган қатор муаммоларни оқилона ечишда ер баҳолаш маълумотларидан фойдаланиш сўзсиз ижобий самара беради. Жумладан, ер баҳолаш материаллари қуйидаги қатор масалаларни ижобий ҳал қилишда фойдаланилади:

- қишлоқ хўжалиги тармоқларини тўғри жойлаштириш;
- қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорликларини режалаштириш;
- қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб чиқариш фаолиятларини таҳлил қилиш асосида ердан ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш даражаларини аниқлаш;
- ер солиғи ставкаларини белгилаш;
- ижара ҳақи миқдорларини аниқлаш;
- қишлоқ хўжалик ерларини ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун ажратишда қишлоқ хўжалиги кўрадиган зарарни ўрнини қоплаш миқдорларини ҳисоблаш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш баҳоларини белгилаш;
- хўжаликлараро ва хўжаликда ер тузиш лойиҳаларини асослаш ва бошқалар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами (I ва II қисмлар), Т.: Шарқ, 1998 (Qishloq ho'jaligida isloqotlarni chuqurlashtirishga doir qonun va me'oriy hujjatlar to'plami (I va II qismlar), Т.: SHarq, 1998 // Collection of Laws and Regulations on Deepening Agricultural Reforms (Part I and II), Vol: East, 1998)

2. Ўзбекистон Республикасининг қонуни "Деҳқон хўжалиги тўғрисида". Т:1998 (O'zbekiston Respublikasining qonuni "Dehqon xo'laligi to'g'risida". Т:1998 // The Law of the Republic of Uzbekistan "On Farmer's Crop". Т: 1998)

3. Миллий ҳисобот. Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Т:2017. (Milliy hisobot. O'zbekiston Respublikasi yer resurslarinig holati to'g'risida Т:2017. // National report. State of Land Resources of the Republic of Uzbekistan Т: 2017.)

4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси" Т.: Ўзбекистон, 2011й (O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi" Т.: O'zbekiston, 2011y // Constitution of the Republic of Uzbekistan ")

5. Ўзбекистон Республикасининг қонуни "Давлат ер кадастри тўғрисида". Т:1998 (O'zbekiston Respublikasining qonuni "Davlat yer kadastrini to'g'risida". Т:1998 // Law of the Republic of Uzbekistan "On State Land Cadastre". Т: 1998)

АГРО ПРОЦЕССИНГ ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ JOURNAL OF AGRO PROCESSING

Назарова Фотима Хакимовна


Тошкент молия институти

Хурамова Хадича Мамадовна

Наманган муҳандислик-технология институти

АҲОЛИ ЭҲТИЁЖЛАРИНИ ҚОНДИРИШДА АГРОКЛАСТЕРЛАРНИНГ ЎРНИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

*For citation: Nazarova Fatima Hakimovna, Khuramova Khadicha Mamadovna
ROLE AND FUNCTIONS OF AGROCRACKERS IN MEETING POPULATION
NEEDS. Journal of Agro Processing. 2020, 2 vol., issue 2, pp. 32-36*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2020-2-7>

АННОТАЦИЯ

Мақолада ҳозирги даврда ва истиқболда агрокластерларни ривожлантириш орқали аҳолининг ортиб бораётган эҳтиёжларини қондириш масалалари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: иқтисодиёт ва унинг ривожланиши, агрокластерлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, аҳоли эҳтиёжлари, кластерларни бошқаришнинг замонавий тамойиллари.

Назарова Фатима Хакимовна

Ташкентский финансовый институт

Хурамова Хадича Мамадовна

Наманганский инженерно-технологический институт

РОЛЬ И ФУНКЦИИ АГРОКЛАСТЕРОВ В УДОВЛЕТВОРЕНИИ ПОТРЕБНОСТЕЙ НАСЕЛЕНИЯ

АННОТАЦИЯ

В статье проанализированы вопросы обеспечения потребностей населения путем развития агрокластеров в настоящее время и в будущем.

Ключевые слова: экономика и ее развития, агрокластеры, переработка сельхозпродуктов, потребности населения, современные принципы управления кластеров.

Nazarova Fatima Hakimovna
Tashkent Financial Institute
Khuramova Khadicha Mamadovna
Namangan Engineering-Technological Institute

ROLE AND FUNCTIONS OF AGROCRACKERS IN MEETING POPULATION NEEDS

ANNOTATION

The problems of meeting the growing needs of the population through the development of agro-clusters in the present and future perspectives are analyzed.

Key words: economy and its development, agrocroprocessors, processing of agricultural products, population needs, modern principles of clusters management.

Бугунги даврда жаҳоннинг барча мамлакатларида иқтисодий жадал суръатлар билан ривожлантиришга ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Иқтисодий ривожининг ҳозирги даврига мос келадиган қатор масалалар ичида аҳолининг эҳтиёжларини ўрганиш ва уни ҳар томонлама тўлароқ қондириб бориш масаласи турибди. Аҳолининг эҳтиёжлари эса, миқдор жиҳатидан ҳам, сифат жиҳатидан ҳам ортиб бормоқда. Бу эҳтиёжларни қондириш аҳолининг соғлигига путур етказмаган ҳолда ва узоқ вақт меҳнат қилиш қобилиятини сақлаган ҳолда амалга оширилиши талаб этилмоқда. Ушбу жуда мураккаб бўлган масаланинг ечими турли соҳаларда инновацион фаолиятни жадаллаштиришни, янги тузилмаларни яратишни ва улар воситасида ҳаётий эҳтиёжларни қондиришга олиб боровчи йўналишларни ишлаб чиқишни талаб этмоқда. Аҳоли учун унинг саломатлигини сақловчи ва иш қобилиятининг ортишига олиб келувчи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари керак бўлади. Аввалги вақтлардагидан фарқли равишда аҳолига эндиликда сабзавот ва мевалар мавсумий даврда эмас, балки йил давомида керак бўлади. Бу масаланинг ечими эса ҳудудларда агрокластерларни яратишни ва улар фаолиятини самарали равишда амалга оширишни талаб қилади.

Ҳозирги вақтга қадар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва уни қайта ишлаш ҳамда сақлаш алоҳида-алоҳида хўжалик фаолиятлари бўлиб келган эди. Бу тартибда тайёрланган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг рақобатбардошлилик даражаси паст бўлиб, соҳада фаолият юритаётганларнинг иқтисодий қизиқишлари даражаси юқори эмас эди. Эндиликда турли соҳаларда, жумладан тўқимачилик ва енгил саноат соҳасида кластерлар ташкил этилмоқда. Қишлоқ хўжалигида ҳам кластерларни ташкил этишга ҳаракатлар бошланмоқда. Кластерларни ташкил этиш масаланинг бир томони бўлса, бу фаолият билан шуғулланувчи ташкилотларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш ва уларда тайёрланган маҳсулотлар рақобатбардошли бўлишига эришиш ўта муҳим масалардан ҳисобланади. Жаҳон мамлакатлари иқтисодий жадалда турли таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва иқтисодий модернизация қилишда, стратегик муҳим роль ўйнайдиган инновация лойиҳаларини амалга ошириб, ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантириш, қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш, хусусан унинг маҳсулдорлиги даражаси бўйича етакчи мамлакатлар даражасига чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг рақобатбардошлилик даражасини ошириш орқали экспортбоп маҳсулотлар етиштириш

бугунги кундаги долзарб вазифалардан биридир.

Мамлакатимизда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" ги Фармонда иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштиришга катта эътибор қаратилади. Ҳаракатлар стратегиясининг 3-йўналиши иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштириш масалаларига бағишланган бўлиб, унда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва сақлаш масалаларининг муҳимлиги ажратиб кўрсатилган. Унда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантиришга ҳам эътибор қаратилган. Фермер хўжаликлари нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан, балки етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини янада қайта ишлаш ва зарур пайтгача сақлаш масалалари билан ҳам шуғулланишлари самарали эканлиги кўрсатиб берилган. Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодий янада ривожлантириш ҳамда либераллаштиришга оид белгиланган чора-тадбирлар рўёбга чиқарилиши, ўз навбатида, мамлакат иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, пировардида аҳоли фаровонлигини юксалтиришда муҳим ўрин тутди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини узоқ вақт сақлаш ва зарур бўлган жойларга етказиб бериш учун уни қайта ишлаб янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш лозим. Ушбу вазифанинг ечими қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш билан бир қаторда етиштирилган ҳосилни сақлаш ва қайта ишлашни ҳам самарали тарзда ривожлантиришни талаб этади. Агрокластерлар худди шу масала билан шуғулланадиган инфратузилмадир. Агрокластер - қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнларини ягона бир занжирга бирлаштирувчи, юқори технологик инновациялардан фойдаланиш билан бир қаторда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ худудларида инфратузилма мажмуини шакллантириш ва ривожлантириш, аҳоли бандлиги даражаси ва даромадларини ошириш ҳамда келажакда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифати ва экологик мухитни яхшилашда фаолият юритадиган хўжалик юритиш субъектларидан таркиб топиши мумкин. Агрокластерлар қишлоқ хўжалигида маҳсулотлар етиштириш, қайта ишлаш ва сотишни шунчаки қўшиб олиб боришнигина назарда тутмайди. Агрокластерлар бу ишларни амалга оширишда мутлақо янги турдаги тизим бўлиб, уларда юқори технологик инновациялардан фойдаланиш билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлилигини ошириш ҳамда ушбу маҳсулотлар етиштириладиган ва қайта ишланадиган худудларда экологик мухитни яхшилашга эришилади. Агрокластерларни жорий этиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш жараёнларида уларнинг сифати бузилишининг олдини олинади. Қишлоқ хўжалигида агрокластерларни жорий этиш орқали маҳсулотларни ташиш ва сақлаш жараёнларига хизмат қиладиган инфратузилма тизими шаклланади.

Ташкил этиладиган агрокластерлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, уларни тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва тайёр маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб бериш ҳамда экспорт қилиш билан шуғулланадиган тармоқлар йиғиндисидан иборат бўлади. Мева-сабзавотчилик тармоғидаги агрокластерларнинг асосий ва муҳим вазифаси - аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли товарларига бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондиришдан ҳамда соҳада фаолият юритаётган ташкилотларнинг самарали

фаолиятини йўлга қўйишдан иборат.

Агрокластерларнинг пировард маҳсулотни яратишда ишлаб чиқариш ва муомала соҳасининг турли босқичларида бевосита ва билвосита 70 дан ортиқ турли соҳалар ва тармоқлар иштирок этиши мумкин. Агрокластерлар таркибига технологик ва иқтисодий жиҳатдан ўзаро боғлиқ ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан тортиб то охирги истеъмолчига етказиб беришгача бўлган жараёнда бевосита иштирок этувчи тармоқлар киради. Ушбу жараёнда иштирок этаётган тармоқлар ўртасидаги нисбат агрокластерларнинг тармоқ таркибини ташкил этади.

Агрокластерларни ташкил этиш ҳамда уларни самарали фаолиятини амалга ошириш бир қатор муҳим вазифаларни белгилаб беради. Бу вазифалар қўйидагилардан иборатдир:

- янги тузилмага эга бўлган агрокластерларни ташкил этиш тамойилларини ишлаб чиқиш;

- агрокластерларнинг ташкилий тузилмасини ва ишлаб чиқариш тузилмасини такомиллаштириш;

- ҳар бир тузилмага умумий мақсаддан келиб чиқиб мақсадларни шакллантириш ва вазифаларни белгилаш;

- агрокластерларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархи паст бўлишини таъминлаш ҳамда уларнинг рақобатбардошлилик даражасини ошириш;

- янги ташкил этиладиган агрокластерларда иқтисодий кўрсаткичлар тизимини шакллантириш, уларни самарали бўлишини таъминлаш. Айниқса, агрокластерларда меҳнат унумдорлигини юксалтириб бориш;

- агрокластерларда фойдаланиладиган иқтисодий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларнинг беҳуда сарф бўлишини олдини олиш;

- агрокластерларда ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг самарали шакллари қўллаш;

- самарали иш усулларини оммалаштириш ва тарғиб этиш.

Аҳоли эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган агрокластерлар олдида турган бу каби вазифаларни самарали равишда бажарилиши катта миқдордаги инвестицияларни талаб этади. Бунинг учун мамлакатимизда жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб бера оладиган, экспортбоп қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, қайта ишлаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш учун уларга чет эл инвестицияларини жалб этиш қўламини ошириш талаб этилади. Чет эл инвестициялари жалб қилиш орқали қишлоқ жойларга мева-сабзавот, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишловчи янги замонавий техника, ускуна ва технологиялар кириб келиши ва кўплаб қайта ишлаш ва ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилишига замин яратади. Бу эса, ўз навбатида вақтинчалик бўш ишчи кучларини янги иш билан таъминлаш, янгидан-янги сифатли, рақобатбардош, замон талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар мева-сабзавотчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш имкониятини яратади.

Бугунги кунга қадар кўплаб мамлакатларда амалга оширилган самарали ишлар билан бир қаторда иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳали фойдаланилмасдан келинаётган қатор имкониятлар ҳам мавжудки, уларни ўрганиш ва ҳаракатга келтириш қишлоқ хўжалигининг ривожланишига ва бу орқали аҳолининг ортиб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш масаласининг самарали холда ечилишига катта тurtки беради. Янгидан ташкил этилган агрокластерларда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини бузмаган холда узоқ вақт сақлашни ташкил этиш ва аҳолига, истеъмолчиларга

зарур бўлган вақтда етказиб беришни амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни янада такомиллаштириш, қайта ишлаш корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва улардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш масаласи муҳим имкониятдир. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологиясини такомиллаштириш ва уни кам харажат талаб қилувчи технологияга айлантириш борасида изланишларни амалга ошириш ҳам муҳим йўналишлардан ҳисобланади. Бу йўналишларни амалга оширилиши катта самара олинишига сабаб бўлади ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг рақобатбардошлилик даражасини оширишга ва аҳолининг эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга олиб боради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони Тошкент, 2017 йил 7 февраль "Наманган ҳақиқати" газетаси, 2017 йил 11 февраль № 12 (19321) (1. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On the Strategy of Action for the Further Development of the Republic of Uzbekistan". Tashkent, February 7, 2017 Namangan Facts, February 11, 2017 No. 12 (19321))
2. Ф.А.Саматов ва бошқалар - Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти - Дарслик. Т.: "Чўлпон" 2012 й. (GA Samatov and others - Agricultural Economics and Management - Textbook. T: "Chulpon" 2012)
3. Ф.Назарова, Х.Хурамова Ўзбекистон мева-сабзавотчилик тармоғида самарали агрокластерларни шакллантиришнинг муҳим масалалари. Тошкент, Агроиқтисодиёт, 2018 й. (F. Nazarova, H. Khuramova Important issues of formation of effective agro-clusters in the fruit and vegetable sector of Uzbekistan. Tashkent, Agroeconomics, 2018)
4. О.С.Казаков, Х.Хурамова Қишлоқ хўжалигини модернизациялашнинг муҳим йўналишлари. Наманган, НамМТИ, 2017 й. (Kazakov O, Khuramova Kh. Important directions of modernization of agriculture. Namangan, NamMTI, 2017)

АГРО ПРОЦЕССИНГ ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ JOURNAL OF AGRO PROCESSING

Салимова Ноила Юнусовна

Самарқанд ветеринария медицинаси институти талабаси

ШИФОБАХШ ЎСИМЛИКЛАРНИ ЙИҒИБ ОЛИШ ТАРТИБИ, АСОСИЙ ВОСИТАЛАРИ ВА УЛАР ХОМ АШЁЛАРИДАН ДОРИ ШАКЛЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

For citation: Salimova Noila Yunusovna. THE PROCEDURE FOR COLLECTING MEDICINAL PLANTS, BASIC TOOLS AND TECHNOLOGY FOR PREPARING MEDICINAL FORMS FROM THEIR RAW MATERIALS. Journal of Agro Processing. 2020, 2 vol., issue 2, pp. 37-43



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2020-2-8>

АННОТАЦИЯ

Мақолада мавжуд шифобахш ўсимликлар хом ашёларини йиғиб олиш тартиби, таркибидаги асосий фаол моддалар ҳамда улардан турли хил дори шакллари тейёрлаш технологияси тўғрисидаги маълумотлар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: углевод, алколлоид, сапонин, витамин, фитонцид, эфир, гликозид, минерал тузлар, нейротропли, гонадотропли, дамлама, қайнатма.

Салимова Ноила Юнусовна

Студент Самарқандского института ветеринарной медицины

ПОРЯДОК СБОРА ЦЕЛЕБНЫХ РАСТЕНИЙ, ОСНОВНЫЕ СРЕДСТВА И ТЕХНОЛОГИЯ ПРИГОТОВЛЕНИЯ ЛЕКАРСТВЕННЫХ ФОРМ ИЗ ИХ СЫРЬЯ

АННОТАЦИЯ

В статье представлена информация о порядке сбора сырья лекарственных растений, содержащихся в нем, основных активных веществах и технологии изготовления из них различных лекарственных форм.

Ключевые слова: углевод, алкалоид, сапонин, витамин, фитонцид, эфир, гликозид, минеральные соли, нейротропные, гонадотропные, настой, отвар.

Salimova Noila Yunusovna

Student of the Samarkand institute of veterinary medicine

THE PROCEDURE FOR COLLECTING MEDICINAL PLANTS, BASIC TOOLS AND TECHNOLOGY FOR PREPARING MEDICINAL FORMS FROM THEIR RAW MATERIALS

ANNOTATION

The article contains information on the procedure for harvesting the raw materials of medicinal plants, the main active substances contained in them, as well as the technology of preparation of various forms of drugs.

Keywords: carbohydrates, alkaloid, saponin, vitamin, phytoncid, ethereum, glycoside, mineral salts, neurotropic, gonadotropic, infusion, broth.

Хозирги пайтда шифобахш гиёҳлардан фойдаланиш ва уларни тиббиёт ва ветеринария амалиётида қўллаш кенг жорий қилинмоқда. Чунки кейинги 10-15 йил давомида қўлланган бир қатор сунъий препаратларнинг организмга салбий таъсирларини намоён қилаётганлиги, мутахассислар томонидан таъкидланмоқда. Шифобахш гиёҳлар ўз таркибида табиий бўлган кўплаб биологик фаол моддаларни ҳамда макро ва микроэлементларни сақлайди. Ушбу ўсимликларнинг 30% дан кўпроқ қисмидан доривор моддалар сифатида фойдаланиш мумкин. [3; 6 б.]

Шифобахш ўсимликларнинг дориворлик хусусияти мавжуд бўлган қисмлариданхомашё сифатида териб олинади. Айрим ўсимликларнинг куртаклари (оқ терак, оқ қайин, қарағай), пўстлоқлари (эман, бодрезак, итжумрут, тут), барглари, гули, уруғ ва мевалари (зира, чаёнўт, қумлоқ, бўзnoch, май марваридгули, наъматак, қулупнай, хўжағат), илдизлари (женьшен, гулхайри, суғурўт) олинади. Куртаклар бўртиш пайтида, эрта баҳор пайтида жуда эўтиёткорлик билан терилади. Пўстлоқлар эса ўсимликлар икки йиллик бўлган соғлом шохларидан, шира оқа бошлаган пайтида ажратиб олинади. Барглар ўсимлик қийғос гуллаганда терилади. Олинган барглар соғлом бўлиши шарт. Гуллар гунчалаш даврининг охири, энди очила бошлаган пайтида терилади. Терилган гуллар саватча ва хоналарда яъни соя жойларда қуритилади. Мева ва уруғлар пишиб етилишига қараб бир неча бор терилиши мумкин. Илдизлар ўсимликлар қишки уйқуга кетиш пайтида қазиб олиниб, оқар сувда ювилади ва махсус қуритиш майдончаларда қуритилади. Фармацевтика заводларида, доривор ўсимлик хом ашёларини қуритадиган махсус хона ва жиҳозлар мавжуд [1; 24-26 б.]

Шифобахш гиёҳларни қайта тиклаш, кўпайтириш ва муҳофаза қилиш учун қуйидаги қоидаларга риоя қилиш талаб этилади:

- ўсимликларнинг барча белги ва хусусиятларини яхши билиш;
- ўсимликларни синдириб, илдиз ёки илдизпояси ҳамда туганаклари билан суғуриб олмаслик;
- ўсимликларнинг илдиз ёки пиёзларини йиғишга тайёрланаётган бўлса, ҳаммасини қазиб олмасдан, балки ора-орада қолдириб йиғиш;
- уруғни сут пишиш даврида (хом пайтда), мевасини пишмасдан йиғиштирмаслик;
- етилган уруғ ҳамда меваларнинг барчасини териб олмаслик;

- гуллаб турган ёки уруғланган ўсимликларни ҳаммасини йиғмаслик (уларнинг 30-40 фоизини қолдириш шарт);
 - йиғим-терим ўтказиладиган майдонларни ҳар икки-беш йилда алмаштириб туриш;
 - касалланган ҳамда зарарланган ўсимликларни термаслик (уларга қарши чора-тадбирлар кўриш);
 - ноёб ўсимликларни сақлаш мақсадида қўриқхоналар ташкил этиш ва у ерларда чорва молларини боқмаслик ҳамда ем-хашак сифатида ўриб олмаслик.
- Ўсимлик хомашёларидан дори-дармон тайёрлашда, фармакологик қимматга эга бўлган оқсиллар, ёғлар, углеводлар, алколоидлар, эфир мойлари, сапонинлар, флавоноидлар ва бошқа биологик фаол моддалар муҳим аҳамият касб этади [1; 32-33 б.].

Оқсиллар тирик организм учун энг зарур моддалар бўлиб, организмда содир бўлаётган барча биокимёвий жараёнлар оқсил орқали ёки унинг бевосита иштирокида юз беради. Кимёвий бирикмалардан оқсил ҳосил бўлиш жараёни фақатгина ўсимликлар олами орқали содир бўлиши мумкин. Оқсиллар оддий ва мураккаб бўлади. Оддий оқсил-протеин асосан аминокислоталардан ташкил топган. Мураккаб оқсиллар таркибида аминокислоталардан ташқари, нуклеин ва фосфат кислоталар, углеводлар, ёғлар ва бошқа моддалар бўлади.

Ёғлар организмга асосан энергия-қувват берувчи захира модда бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, ёғлар тирик организм тўқимасининг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Ёғлар ўсимлик ва ҳайвонлардан олинадиган мураккаб органик моддалар йиғиндисидан таркиб топган. Бу аралашманинг асосий қисмини глицеридлар- глицерин билан ёғ кислоталарининг мураккаб эфирлари ҳосил қилади. Ёғлар асосан ўсимликларнинг меваларида, уруғларида, ҳайвонларда эса тери ости тўқималарида ҳамда ички аъзоларнинг атрофида тўпланади. Ўсимлик ҳужайрасида мойлар доимо суюқ ҳолда бўлади. Ўсимлик мойларининг хусусиятларидан бири- уларнинг таркибида минерал бирикмалар, фосфатитларнинг мавжуд бўлишидир. Фосфатитлар ҳужайра пардаси таркибида бўлиб, ўтказувчанлик хусусиятига эга бўлади.

Тирик организм ҳаёт фаолияти учун углеводлар ҳам катта аҳамият касб этади. Углеводлар, асосан, ўсимликлардан олинадиган маҳсулотларда ва жуда кам миқдорда ҳайвон маҳсулотларида бўлади. Ўсимликлардан олинадиган маҳсулотларда углеводлар қанд, глюкоза, крахмал, клетчатка кўринишида учрайди. Углеводлар меъридан ортиқ истеъмол қилинса, организмнинг қатор хусусиятларига салбий таъсир кўрсатади. Бу оқсил билан ёғ нисбатининг бузилишига олиб келади ва ўз набаотида витамин В1 га бўлган эҳтиёжни ошириб юборади.

Алколоидлар ўсимликларда тўпланадиган азот сақловчи ва ишқорий хусусиятга эга бўлган жуда мураккаб органик бирикмалардан ташкил топган моддалардир. Бу моддалар ўзига хос физиологик таъсирчанлик хусусиятига эга. Алколоидлардан морфин, папаверин, хинин, кофеин, кодеин каби турли хил дори-дармонлар ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Эфир мойлари ўсимликларнинг барча қисмларида тўпланадиган бир қанча моддаларнинг мураккаб бирикмаларидан иборат бўлиб, генетик жиҳатдан ўзаро узвий боғланган, учувчанлик хусусиятига эга бўлган органик моддалар йиғиндисидир. Эфир мойлари таркибий қисмларига углеводород, спирт, алдегид, кетон, фенол, лактон, эфир, хинин, кислота, азотли бирикмалар ва бошқа бир

қанча моддалар киради. Ҳозиргача эфир мойларининг 1000 дан ортиқ таркибий қисмлари аниқланган. Ялпиздан олинадиган эфир мойи таркибида 107, ёронгулникида 270 га яқин таркибидаги қўшимчалар борлиги аниқланган. Эфир мойлари ялпиз, тоғрайхон, райхон, кийикўти, лимонўт, шеролгин, лимонли шувоқ, эвкалипт, лавр ва бошқа бир қанча ўсимликларнинг баргларида, атиргул, наъматак, марвак, маржонгул, жасминларнинг гулларида, терак, қайиннинг куртакларида, арпабодиён, зира, ёввойи сабзи, аччиқ бодомнинг уруғ ва данакларида, лимон ва мандаринларнинг мева пўстида, андиз, гулсапсарнинг илдизида тўпланади [1; .71 б.].

Сапонинлар ўсимликларнинг барча қисмида бўлиб, уларнинг миқдори ҳамда сифати ўсимликларнинг ривожланиш даврларига қараб ўзгариб туради. Ўсимликлар ривожланиб бўлишига яқин, илдиз ҳамда тугунакларидаги сапонин миқдори ортади. Сапонинлар кўпирувчанлик хусусиятига эга бўлиб, гликозидлар гуруҳига киради. Сапонинлардан тайёрланган дорилар табобатда балғам кўчирувчи, сийдик ҳайдовчи восита сифатида қўлланилади.

Флавоноидлар органик моддаларнинг гетероциклик бирикмаларидан ташкил топган бўлиб, ўсимликларда, асосан, пигмент ҳолида учрайди. Баъзан гликозидлар глюкоза, рамноза, галактоза ва бошқа қанд моддалар кўринишида бўлади. Улар спазмолитик ва балғам кўчирувчи таъсирга эга, шунингдек, яллиқланиш ҳамда ўн икки бармоқли ичак жароҳатларини даволашда фойдаси катта. Айрим флавоноидлар - рутин ва кверцетинлар капилляр томирларни мустаҳкамлаш ҳамда қон томирлар деворларини зичлаштириш хусусиятига эга [1; 35-39 б.].

Гликозидлар ўсимликларда энг кўп тўпланадиган, жуда мураккаб тузилишга эга бўлган моддалардан иборат. Кимёвий тузилиши бўйича юрак гликозидлари азот сақловчи мураккаб бирикмалар бўлиб, икки: қандли (гликон) ва қандсиз (агликон) қисмлардан иборат. Қандсиз қисми тўйинмаган лактон халқаси билан боғлиқ бўлган стероид тузилишга эга. Юрак гликозидларининг биологик таъсири мана шу қандсиз қисмга боғлиқ. Қандли қисми эса, юрак гликозидларининг сўрилиши, пардалардан ўтиши ва тўқималарда ушланишини таъминлайди.

Гликозидлар юрак қон-томир йетишмовчилигини даволашда энг асосий ва кенг қўлланиладиган моддалар ҳисобланади. Юрак гликозидлари ўсимликлардан олинадиган юракка таъсир кўрсатадиган мураккаб органик моддалардир.

Марказий осиеда ўсадиган ўсимликлардан тоза гликозидлар олишда, академик Н.К.Абубакиров, юрак гликозадларини фармакологик текширишда, уларни амалиётга татбиқ қилишда ўзбек аёлларидан, фармакология соҳасида биринчи фан доктори, профессор С.С.Азизованинг хиссалари катта.

Юрак гликозидлари дигиталиснинг бир неча турларидан (*Digitalis purpurea*, *Digitalis lanata*), адонис (*Adonis vernalis*), марваридгул (*Corvallisaria majalis*), читранги (*Erysimum canensens*), строфант (*Strophanthus Kombe*), олеандр (*Nerium oleandr*), кендир (*Apocinum cannabinum*) ва бошқа ўсимликлардан олинган.

Ҳозирги вақтда, юрак гликозидларини сақловчи жуда кўп ўсимликлар аниқланган. Улар орасида асосийлари қуйидагилар: ангишвонагулнинг бир неча тури, марваридгул, суғур ўти, строфант, самбитгул, читранги (желтушник), чирмовчи гул, нашасимон кендир.

Юрак гликозидларининг бебаҳо хоссаларидан бири шундаки, улар касалланган юракка таъсир кўрсатиб, унинг сусайган фаолиятини жонлантиради. [4;144-146 б.].

Минерал тузлар организмда кечадиган биокимёвий жараёнлар ва тизимлар

ишини меъёрлаштиришда фаол қатнашади. Минерал моддалар (темир, мис, кобальт, марганец, никель) қон яратилишида, шунингдек, организм тўқималарининг шаклланишида ва тикланишида муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, суяк тўқималарининг шаклланишида, фосфор ва кальций асосий воситалар ҳисобланади.

Витаминлар организмнинг ҳаёт фаолияти учун витаминлар энг зарур омилардан ҳисобланади. Ҳозирги вақтда, тиббиёт амалиётида 30 дан ортиқ витамин турлари ўрганилган бўлиб, улардан 20 га яқини организмнинг моддалар алмашинуви жарёнида фаол иштирок этади. Витаминлар икки гуруҳга ажратилган бўлиб, уларнинг сувда эрийдиган ва ёғда эрийдиган турлари фарқ қилинади. Сувда эрийдиган витаминлар С, В1, В2, В6, РР, В12, ёғда эрийдиган витаминларга эса А, Д, Е, К гуруҳ витаминлари киради.

Фитонцидлар ўсимликлар оламига хос бўлган биологик фаол моддалардан бири ҳисобланади. Ўсимликлардан ажралиб чиқадиган фитонцидлар (юнонча фитон- ўсимлик, лотинча цидо- ўлдираман маъносини беради) бактериялар, замбуруғларни ўлдиради, ёхуд уларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Машҳур олим Б. П. Токин ўсимликларда мавжуд бўладиган бу хусусиятларни биринчи бор 1982 йилда кашф этган эди. Фитонцидлар ўсимликларда табиий иммунитет ҳосил қилувчи омилардан ҳисобланиб, у ҳаёти жараёнида ҳосил бўладиган мазкур модда билан ўзини зарарсизлантиради. Ўсимлик намуналарига хос бўлган фитонцидлар фенол, ционоген, гликозидлар, терпеноидлар, ошловчи моддалар, алколлоидлар, лактонлар, органик кислоталар, олтингугурт бирикмаларидан ташкил топган бўлади[1; 39-40 б.].

Дўлана- *Crateagus*. Дўлананинг меваси ва гули юрак-қон томир касалликларини олдини олиш ва даволашда ҳамда асабни тинчлантирувчи ва қон босимини пасайтирувчи дори сифатида ишлатилади. Дўлана Раънодошлар (*Rosaceae*) оиласига мансуб бўлиб, бўйи 5м га етадиган дарахт, у асосан республикамизнинг тоғли туманларида тарқалган.

Ўзбекистонда дўлананинг бир нечта тури учрайди, айниқса сариқ рангли дўлана (*Crateagus pontica* L.) кенг тарқалган бўлиб, меваси истеъмол қилинади. Тиббиётда эса дўланани 6 турининг меваси ва гуллари ишлатилишга рухсат этилган. Асосан кенг тарқалган қизил дўлана-яъни, Туркистон дўланаси (*Crateagusturkestanica*) ишлатилади. Бу дарахтнинг барги, гуллари ва мевалари шифобахшдир. Дўланани лотин тилида "гратаc" (кучли) деб атайдилар. Меваси таркибида 20 фоизгача қанд моддаси, 8 фоиз ёғ ва флавоноидлар, холин, ацетилхолин, ошловчи моддалар, каротин, С витамини, органик кислоталар каби моддалари мавжуд. Ўзбекистон шароитида ўсадиган дўлананинг баъзи турларида В1, В2, РР, С, Е витаминлари борлиги аниқланган.

Эслатма: Дўланани очқоринга истеъмол қилмаслик керак. Чунки, у ичакни сиқиб, қайт қилдиради. Мевасини истеъмол қилгандан кейин устидан совуқ сув ичиш мумкин эмас. Акс ҳолда у меъда-ичаклар санчигига сабаб бўлишини унутманг. Шунингдек, уни ортиқча истеъмол қилиш буйракка зарарлидир. Яна у меъда-ичакни заифлаштириб, санчиқ, кўнгил айниши ва қайт қилишга олиб келади. Меванинг қайнатма, дамлама, қиём ва ундан тайёрланган дори воситалари билан даволаниш фақат шифокор маслаҳати билан ва унинг назорати остида қўлланиши лозим.

Табобатда дўлананинг меваси, барги, шохлари ва гулидан фойдаланиб келинмоқда. У юрак-қон томир касалликларини олдини олиш ва даволашда ҳамда

асабни тинчлантирувчи, қон босимини пасайтирувчи дори сифатида ҳам ишлатилади. [2; 373 б.].

ЭМАН ПЎСТЛОГИ- CORTEX QUERCUS. Қайиндошлар - Fagaceae оиласига мансуб, ёввойи ва маданий ўстирилган қўнғир эман - *Quercus robur* L. ва бандсиз гулли эман - *Quercus petraea* (Mattuschka) Liebl. дарахтларининг эрта баҳорда йиғилган янги новдалари, ёш шохлари ва ингичка пояларининг пўстлоғи.

Фармакологик хусусиятида ўсимлик таркибидаги асосий моддаларида (камида 8 %) буриштирувчи таъсир кўрсатиш хусусияти мавжуд. [2; 260-263 б.].

Ушбу шифобахш ўсимликлар хомашёларидан дамлама ва қайнатма дори шакллари тайёрлаш технологияси.

1. Дамлама (Infusum) тайёрлаш, ўсимлик хомашёси таркибидаги доривор моддаларни сув ёрдамида ажратиб олишга қаратилган. Дамламалар асосан доривор ўсимликларнинг нозик қисмларидан яъни барги, ўти ва гулидан олиб тайёрланади.

Дамлама ва қайнатма тайёрлаш учун махсус инфундур аппаратидан фойдаланилади. Дамлама ва қайнатма тайёрлаш учун олинаётган доривор ўсимлик хомашёси таркибидаги асосий таъсир этувчи, фаол моддасининг хусусиятларига қараб турли нисбатларда олиш талаб этилади. Агар қайнатма тайёрланадиган ўсимлик хомашёси заҳарли ўсимликлардан олинган бўлса 1:400, таркибида кучли таъсир этувчи модда сақлайдиган ўсимликлардан 1:30 ва бошқа зарарсиз ўсимликлар бўлса, 1:10 нисбатда олиниши шарт.

Мисол учун: дўлана мевасидан дамлама тайёрланаш учун 15 г мева ва 150 мл қайнаган сув олинади. Дастлаб инфундур идиши ичига олинган мева солиниб, унинг устига 150 мл қайнаб турган сув қўшилади ва идиш қопқоғи ёпилиб, қайнаб турган сув ҳаммоми устига 15 дақиқа мобайнида қўйилади. Сўнгра аралашма 18-20? Сҳароратда, 45 дақиқа мобайнида совитилади. Шундан сўнг у сузиб олиниб, олинган дамлама устига тўлиқ 150 мл га етгунга қадар қайноқ сув қўшилади. Тайёрланган бундай дамлама гипертонияда, жигар касалликларида ҳамда тинчлантирувчи восита сифатида тавсия этилади. Сақлаш муддати 2-4 кун.

2. Қайнатма (Decoctum) тайёрлаш ҳам ўсимликлар таркибидаги асосий воситаларини сув ёрдамида ажратиб олишга қаратилган бўлиб, хомашё сифатида доривор ўсимликларни қаттиқ қисмларидан асосан, илдизи, пўстлоғи, пояси, шохлари, уруғи ва меваларидан олиб тайёрланади.

Мисол учун: эман пўстлоғидан қайнатма тайёрлаш учун инфундур (сирли) идишига 20 г миқдордаги эман пўстлоғи солинади ва устига 200 мл илиқ сув қўйилади. Аралашма 30 дақиқа мобайнида қайнатилиб, сўнгра у 10 дақиқа совитилади. Докада алоҳида идишга сузиб олиниб, устига ҳажми 200 мл га етгунча қайнаган сув қўйилади. Эман пўстлоғи қайнатмаси буриштирувчи ва антисептик хусусиятларга эга бўлиб, стоматит, лорингит, гастрит, энтерит, санчиқ ва сийдик йўллари яллиғланишларида, йирингли яраларда, генекологик касалликларида тавсия этилади. Сақлаш муддати 2-4 кун.

Хулоса.

1. Ўзбекистоннинг маҳаллий флорасига мансуб бўлган доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданийлаштириш ва уларни қайта ишлаш асосида, табиий дори воситалари тайёрлашни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини инобатга олинган ҳолда, шифобахш ўсимликларни йиғиб олиш тартиби, асосий воситалари ва улар ҳом ашёларидан дори шакллари тайёрлаш технологиясини амалиётга жорий қилишда талаб этилган барча

қоидаларга амал қилишимиз, мақсадга мивофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. А. Усманходжаев ва бошқалар. Ўзбекистонда ўсадиган шифобахш ўсимликларнинг этимологик замонавий энциклопедияси. Янги аср авлоди. Тошкент 2018.
2. Ҳ. Х. Холматов, Ў. А. Аҳмедов. Фармакогнозия. Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент-2008.
3. Э. Негматов ва бошқалар. Шифобахш гиёҳлар билан даволаш. Монография. Самарқанд 2012 й.
4. Ю. Салимов. Ветеринария фармакологияси. Ношир. 2019 й.

АГРО ПРОЦЕССИНГ ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ JOURNAL OF AGRO PROCESSING


Мухторов Элмурод Абдигуломович.,
Таянч докторант

Дилмуродов Насриддин Бабакулович.
илмий раҳбар, профессор

Самарқанд ветеринария медицинаси институти

ҲИСОРИ ЗОТЛИ ҚЎЙЛАР ПОСТНАТАЛ ОНТОГЕНЕЗИДА ОЁҚ МУСКУЛЛАРИНИНГ МОРФОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИГА ЯШАШ ШАРОИТИНИ ТАЪСИРИ

For citation: Mukhtorov Elmurod Abdigulomovich, Dilmurodov Nasriddin Babakulovich. THE EFFECT OF THE CONDITION ON THE MORPHOLOGICAL PARAMETERS OF THE MUSCLES OF THE LIMB OF POSTNATAL ONTOGENESIS IN THE HISSAR SHEEP. Journal of Agro Processing. 2020, 2 vol., issue 2, pp. 44-50

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2020-2-9>

АННОТАЦИЯ

Ҳисори зотли қўйлар постнатал онтогенезининг турли физиологик босқичларида олдинги оёқ бўғимларига таъсир кўрсатувчи мускулларнинг морфометрик кўрсаткичлари ўрганилган ва абсолют кўрсаткичларни постнатал онтогенезнинг дастлабки 3 ойлигига қадар бўлган давр мобайнида жадал ортиши, ўрганилган барча ёшдагиларга нисбатан эса 18 ойлик босқичда энг юқори кўрсаткични намоён қилиши; чизикли ўлчамлари ҳамда оғирлигининг абсолют кўрсаткичларини ўсиш динамикасига табиий яшаш шароити бевосита таъсир кўрсатиши натижасида у адекват шароитдаги қўйларда ноадекват шароитдагиларга нисбатан юқори бўлиши аниқланган.

Калит сўзлар: ҳисори зотли қўйлар, постнатал онтогенез, адекват шароит, ноадекват шароит, олдинги оёқ, мускул, ўсиш коэффициенти, абсолют кўрсаткич, морфометрик, чизикли ўлчам, оғирлик.

Мухторов Элмурод Абдигуломович.,
Докторант

Дилмуродов Насриддин Бабакулович.
научный руководитель, профессор

Самаркандский ветеринарный медицинский институт

ДЕЙСТВИЕ УСЛОВИЯ СОДЕРЖАНИЕ НА МОРФОЛОГИЧЕСКИЙ ПОКАЗАТЕЛИ МУСКУЛАТУРЫ КОНЕЧНОСТИ ПОСТНАТАЛЬНОГО ОНТОГЕНЕЗА У ГИССАРСКОЙ ПАРОДЫ ОВЕЦ

АННОТАЦИЯ

Изучены морфометрические показатели мускулов, действующих на суставы отдела грудных конечностей в разные физиологические периоды постнатального онтогенеза овец гиссарской породы, и выявлено интенсивное повышение абсолютных показателей до 3-месяца и самые высокие показатели отмечены в 18-месячном возрасте, чем у остальных изученных возрастов постнатального онтогенеза; вследствие непосредственного влияния естественных условий обитания на динамику развития абсолютных показателей массы и линейное измерение мускулов оно выше у овец адекватных условий, чем неадекватных.

Ключевые слова: овец гиссарских пород, постнатальный онтогенез, адекватная условия, неадекватная условия, грудной конечность, мускул, коэффициент роста, абсолютный показатель, морфометрический, линейные параметры, масса.

Mukhtorov Elmurod Abdigulomovich.,

Doctoral student

Dilmurodov Nasriddin Babakulovich.

scientific leader, professor

Samarkand Veterinary Medical Institute

THE EFFECT OF THE CONDITION ON THE MORPHOLOGICAL PARAMETERS OF THE MUSCLES OF THE LIMB OF POSTNATAL ONTOGENESIS IN THE HISSAR SHEEP.

ANNOTATION

The morphometric of the muscles acting on the joints of the proximal chest limbs in different physiological periods of the postnatal ontogenesis of the Hissar breed were studied, and an intensive increase in the absolute indices up to 3 months was revealed and the highest indices were noted at 18 months of age than the other studied ages of postnatal ontogenesis ; due to the direct influence of natural living conditions on the dynamics of the development of absolute mass indices and the linear measurement of muscles, it is higher in sheep under adequate conditions than inadequate.

Key words: Gissar sheep, postnatal ontogenesis, adequate conditions, inadequate conditions, thoracic limb, muscle, growth factor, absolute indicator, morphometric, linear parameters, mass.

Кириш. Мускул тўқималарининг морфологик кўрсаткичлари уларнинг анатомо-топографик жойлашуви ҳамда ҳаракат кўламига боғлиқ бўлиши билан бир қаторда, уларга кўп жиҳатдан организмларнинг табиий яшаш шароити, географик рельефнинг хусусиятлари ҳам таъсир кўрсатади. Шунингдек, инсон томонидан истеъмол қилинадиган гўшт маҳсулотларининг асосий қисмини айнан кўндаланг-тарғил мускул тўқималари ташкил этиб, уларнинг сифати ва миқдори авваламбор, ҳайвонларнинг ёши ҳамда табиий яшаш шароитига боғлиқ бўлса, шунинг билан

биргаликда морфологик таркиби, постнатал онтогенезнинг турли физиологик босқичларидаги ўсиш динамикасининг қонуниятларини ўрганиш ҳам муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Бир қатор тадқиқотчилар [1, 2, 3, 7] томонидан соматик мускулларнинг морфологик тузилиши ўрганилган бўлиб, уларнинг маълумотларига кўра, бирламчи мускул тутамлари орасида бирмунча қалинроқ бириктирувчи тўқимадан тузилган қатлам, яъни перимезий жойлашади ва уларни иккиламчи, учламчи тутамлар билан ва охир оқибатда битта яхлит мускулга бирлаштиради. Перимезий қалин ва юпқа эластик толалардан ташкил топган бўлиб, унинг қалинлиги ҳар хил мускулларда турлича, яъни белнинг катта мускулида 31,3 мкм дан яримпай мускулда 93,5 мкм гача бўлади. Ишлаётган мускул жадал кислород ва энергия таъминотини талаб қилади. Мускул стромасидан нервлар, артерия ва вена қон томирлари ўтади. Мускулга кирувчи томирлар перимезийга тармоқланади, эндомезийга эса гемокapиллярлар ўтади, мускулнинг бутун юзасини эпимезий қоплаб туради.

Романов зотига мансуб қўйлар постнатал онтогенезида мускулларни ўсиши бир текисда кечмасдан, унинг жадаллиги бир ёшда кучайса, бошқа ёшда сусайиши аниқланган [4]. Муаллифнинг кўрсатишича, бу кўрсаткич битта ёшда қанчалик жадал кўтарилса, кейинги ёшда шунчалик кескин пасайиши, оёқ мускулларнинг оғирлиги постнатал онтогенезнинг 3, 6 ва 9 ойлик босқичларида бирмунча жадал ортиши, 4, 5, 7, 8 ойликларда эса бу жараёни секинлашиши кузатилган. Шунингдек, романов зотли қўйлар орқа оёқ мускулларининг оғирлиги ўрганилган барча ёшларда ҳамда туғилганидан то 9 ойлигига қадар бўлган давр мобайнида олдинги оёқдагига қараганда жадал ўсиши аниқланган.

Р.М.Butterfield ва бошқаларнинг маълумотларига кўра, қўйларда оёқ мускуллари умуртқа поғонаси ва тананинг краниал қисми мускулларига нисбатан эртачи тараққийлашади [6]. Муаллифларнинг фикрича, мускуллар оғирлигининг тақсимланиши бўйича фарқлар бир хил тирик вазнга эга бўлган ҳайвонларда камайиши рўй беради.

Е.А.Никонованинг маълумотларига кўра, цигай зотли қўзиларнинг ёши катталаниши билан мускулатурасининг солиштирма оғирлигини скелетининг ўқ қисмида ортиши, периферик қисмида эса аксинча, камайиши кузатилган [5]. Муаллифнинг тадқиқотлари натижасида, шунингдек, ўқ скелети мускулларининг ичида елка камари мускулларини, қўзиларни онасидан ажратгандан кейин эса кўкрак ва қорин девори мускулларини бирмунча жадал ўсиши аниқланган.

Текшириш усули ва материаллари. Тадқиқот ишлари Сурхондарё вилоятининг адекват - Бойсун ҳамда ноадекват - Сариосиё, Узун туманларидаги ҳисори зотли қўйлар олдинги оёқ проксимал бўлим бўғимларига таъсир кўрсатадиган мускуллар устида олиб борилди. Илмий текширишлар учун постнатал онтогенезнинг 3 кунлик, 3, 6, 12, 18, 36, 60 ойлик босқичларидаги ҳайвонлар олдинги оёғининг мускуллари олинди.

Мускулларнинг морфометрик кўрсаткичларини аниқлашда Н.П.Чирвинский томонидан қўлланилган ҳамда жорий қилинган умумморфологик.

Илмий текширишлар натижасида олинган барча рақамий маълумотлар Е.К.Меркурьева услуги бўйича математик ишловдан ўтказилиб, қуйидаги кўрсаткичлар аниқланади:

$$\text{ўртача арифметик қиймат: } \bar{V} = \frac{V}{n} \quad (1);$$

$$\text{ўртача арифметик қийматнинг квадратик оғиши } m = \pm \frac{\delta}{\sqrt{n-1}} \quad (3); \quad \delta = \pm \sqrt{\frac{\sum (V - M)^2}{n-1}} \quad (2);$$

ўртача арифметик қиймат хатоси

$$t_d = \frac{M_1 - M_2}{\sqrt{(m_1^2 + m_2^2)}} \quad (5) \quad C = \frac{\delta \cdot 100}{M} \quad (4);$$

Ўзгарувчанлик коэффиценти

ишончилилик мезони

Ишончилилик даражаси - p (P) эса Стьюдент жадвали бўйича топилади.

Мускулларнинг ёшига қараб динамикасини аниқлаш учун ўсиш коэффиценти ҳисобланади. Ўсиш коэффиценти катта ёшдаги ҳайвон мускулларининг кўрсаткичлари кичик ёшдаги ҳайвоннинг тегишли кўрсаткичларига бўлиш йўли билан, бутун текширилган постнатал онтогенез даври эса К.Б.Свечин томонидан ишлаб чиқилган

$$K = \frac{V_t}{V_0} \quad (6) \text{ формуласи билан аниқланади:}$$

K - ўсиш коэффиценти;

V_t - катта ёшли ҳайвон мускулининг абсолют кўрсаткичи;

V_0 - мускулнинг бошланғич кўрсаткичи.

Математик-статистик таҳлил Стьюдент ва Фишер мезонлари ёрдамида компьютернинг Microsoft Excel электрон жадвалида бажарилди.

Олинган натижалар ва унинг муҳокамаси. Илмий текширишлар натижасида адекват ва ноадекват табиий шароитларда парвариш қилинган ҳисори зотли қўйлар олдинги оёғи бўғимларига таъсир этувчи мускулларнинг чизиқли ўлчамлари ва абсолют оғирликлари постнатал тараққийнинг турли физиологик босқичларида анатомо-топографик ҳолати, бажарадиган вазифасининг кўлами ҳамда ҳайвонларнинг табиий яшаш шароитига кўра ўзига хос ўзгариш динамикасини намоён қилиши кузатилди.

Адекват табиий шароитда парвариш қилинган ҳисори зотли қўйлар елканнинг уч бошли мускули узунлигининг абсолют ўлчами постнатал онтогенезнинг дастлабки 3 кунлигидан 3 ойлигига қадар жадал ортиб, $10,4 \pm 0,22$ см дан $14,8 \pm 0,41$ см га ($p < 0,03$) ёки шу давр мобайнида ўсиш коэффиценти 1,42 мартага етиши кузатилди. Мускулнинг ушбу кўрсаткичи ривожланишнинг кейинги 6 ва 12 ойлик босқичларида деярли бир маромда кўтарилиб (мос равишда: $16,62 \pm 0,25$ см, $K = 1,12$; $15,7 \pm 0,28$ см; $p < 0,02$), 18 ойликда ўрганилган бошқа ёшдагиларга нисбатан энг юқори кўрсаткични ($17,68 \pm 0,26$ см, $K = 1,12$; $p < 0,01$) намоён қилди. 36 ойлик қўйларда мускул узунлигининг абсолют кўрсаткичи $16,0 \pm 0,35$ см гача, ўсиш коэффиценти эса 0,90 мартагача камайиб, 60 ойликда уни $16,4 \pm 0,27$ см гача ($K = 1,02$; $p < 0,02$) кўтарилиши, постнатал ривожланишнинг ўрганилган 3 кунлигидан 60 ойлигига қадар бўлган давр мобайнида ўсиш коэффиценти 1,57 мартага етиши қайд этилди.

Елканнинг уч бошли мускули оғирлигининг абсолют кўрсаткичи адекват шароитдаги ҳисори зотли қўйлар постнатал ривожланишининг дастлабки 3 кунлигидан 3 ойлигига қадар жадал ортиб, $23,6 \pm 0,57$ г дан $91,4 \pm 1,99$ г га, шу давр ичида 3,87 мартага етиши қайд этилди. Мускулнинг мазкур кўрсаткичини 6 ойлик қўйларда деярли ўзгармасдан ($86,4 \pm 2,01$ г, $K = 0,94$), 12 ойликдан 18 ойликка қадар босқичли тарзда ошиб, мос равишда, $121,6 \pm 3,07$ г ($K = 1,40$) ва $193,6 \pm 3,38$ г ($K = 1,59$;) ни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич қўйлар постнатал онтогенезининг 36 ойлик босқичида кескин пасайиб ($128,2 \pm 2,83$; $K = 0,66$), 60 ойликда уни сезиларсиз кўтарилиши ($172,12 \pm 4,07$ г; $K = 1,33$) рўй берсада, 18 ойлик босқичдагидан бирмунча паст бўлиши аниқланди. Мускул оғирлигининг абсолют кўрсаткичини ўсиш коэффиценти постнатал ривожланишнинг ўрганилган 3 кунлигидан 60 ойлигига қадар бўлган давр мобайнида 7,29 мартага етиши кузатилди.

Ноадекват шароитда парвариш қилинган ҳисори зотли қўйлар елканнинг уч

бошли мускули узунлигининг абсолют кўрсаткичи постнатал онтогенезнинг 3 кунлигида $9,68 \pm 0,19$ см га тенг бўлиб, дастлабки 3 ойликка қадар уни жадал ортиши ва бу жараён 6 ойликкача давом этиши, яъни 3 ойликда - $13,8 \pm 0,28$ см га ўсиш коэффициентини 1,42 мартага, 6 ойликда - $15,38 \pm 0,12$ см га, ўсиш коэффициентини 1,11 мартага тенг бўлиши кузатилди. Мускулнинг ушбу кўрсаткичи 12 ойлик қўйларда бироз пасайиб ($15,12 \pm 0,06$ см, $K = 0,96$), 18 ойликда бошқа ёшдагиларга нисбатан энг юқори даражага ($16,7 \pm 0,33$ см, $K = 1,12$) кўтарилиши ва 36 ойликда $15,78 \pm 0,27$ см ($K = 0,92$) гача камайиши, 60 ойлик босқичда эса $15,98 \pm 0,16$ см ($K = 1,02$) гача ошиши қайд этилди. Мускул узунлигининг абсолют кўрсаткичини ўсиш коэффициенти қўйлар постнатал ривожланишининг ўрганилган 3 кунлигидан 60 ойлигига қадар бўлган давр мобайнида 1,65 мартага етиши аниқланди.

Ноадекват шароитдаги ҳисори зотли қўйлар елканинг уч бошли мускулининг абсолют оғирлиги постнатал ривожланишининг 3 кунлигидан 3 ойлигига қадар кескин кўтарилиб, $20,84 \pm 0,53$ г дан $79,9 \pm 3,07$ г га, ўсиш коэффициентини 3,83 мартага етиши, 6 ойликда $76,8 \pm 2,90$ г ($K = 0,96$) гача камайиб, 12 ойликдан бу жараённи бирмунча жадаллашиши, яъни 12 ойликда - $113 \pm 2,85$ г ($K = 1,47$) га, 18 ойликда - $166,3 \pm 3,38$ г ($K = 1,47$) га тенг бўлиши қайд қилинди. Мускул оғирлигининг абсолют кўрсаткичи 36 ойлик қўйларда сезиларли пасайиб, 60 ойликда уни яна кўтарилиши (мос равишда, $115 \pm 3,53$ г, $K = 0,69$; $146,6 \pm 3,13$ г, $K = 1,27$) кузатилди. Мазкур мускул оғирлигининг абсолют кўрсаткичини ўсиш коэффициенти қўйлар постнатал онтогенезининг 3 кунлигидан 60 ойлигига қадар 7,03 мартага ортиши аниқланди.

Адекват табиий шароитда парвариш қилинган ҳисори зотли қўйлар билакузукни ёзувчи билак мускули узунлигининг абсолют кўрсаткичи постнатал онтогенезнинг 3 кунлигидан 3 ойлигига қадар $8,14 \pm 0,14$ см дан $13,38 \pm 0,19$ см га ёки ўсиш коэффициенти 1,64 мартага кўтарилиб, 6 ойликда уни $13,22 \pm 0,15$ см ($K = 0,98$) га камайиши, 12 ойликда $15,16 \pm 0,15$ см ($K = 1,14$) ни ташкил этиши ва 18 ойликда $17,52 \pm 0,23$ см ($K = 1,15$) гача ортиши кузатилди. Мускул узунлигининг абсолют ўлчами 36 ойлик қўйларда $13,06 \pm 0,13$ см гача камайиб, 60 ойликда у $15,64 \pm 0,20$ см ($K = 1,19$) га кўтарилсада, 18 ойликдаги кўрсаткичдан паст бўлиши қайд этилди. Катта юмалоқ мускул узунлигининг абсолют кўрсаткичини ўсиш коэффициенти постнатал онтогенезнинг 3 кунлигидан 60 ойлигига қадар 1,92 мартага ортиши кузатилди.

Билакузукни ёзувчи билак мускул оғирлигининг абсолют кўрсаткичи адекват шароитдаги ҳисори зотли қўйлар постнатал ривожланишининг дастлабки 3 кунлигидан 3 ойлигига қадар жадал кўтарилиб, $7,22 \pm 0,13$ г дан $17,2 \pm 0,37$ г га, ўсиш коэффициентини эса 2,38 мартага етиши ва бу ҳолатни 18 ойликка қадар давом этиб бориши, яъни 6 ойликда - $19,54 \pm 0,41$ г ($K = 1,13$) ни, 12 ойликда - $19,44 \pm 0,35$ г ($K = 0,99$) ни, 18 ойликда $28,9 \pm 0,57$ г ($K = 1,48$) ни ташкил этиши, 36 ойликда $19,5 \pm 0,39$ г ($K = 0,67$) гача камайиб, 60 ойликда энг юқори кўрсаткични ($25,76 \pm 0,56$ г, $K = 1,32$) намоён қилиши қайд этилди. Ушбу мускул оғирлигининг абсолют кўрсаткичини ўсиш коэффициенти постнатал онтогенезнинг 3 кунлигидан 60 ойлигига қадар бўлган давр ичида 3,56 мартага ортиши кузатилди.

Ноадекват шароитда парвариш қилинган ҳисори зотли қўйлар билакузукни ёзувчи билак узунлигининг абсолют кўрсаткичи постнатал онтогенезнинг 3 кунлигидан 3 ойлигига қадар $7,7 \pm 0,10$ см дан $12,68 \pm 0,21$ см га, шу давр ичида ўсиш коэффициенти 1,64 мартага етиб, 6 ойликда деярли ўзгармасдан ($12,44 \pm 0,18$

см, $K = 0,98$), кейинги 18 ойликкача ортиб бориши, яъни 12 ойликда $13,94 \pm 0,18$ см ($K = 1,12$) га, 18 ойликда $16,66 \pm 0,20$ см ($K = 1,19$) га ортиши кузатилди. Мускулнинг ушбу кўрсаткичи постнатал ривожланишнинг 36 ойлик босқичида $12,46 \pm 0,25$ см ($K = 0,74$) гача пасайиб, 60 ойликда ўзгармасдан ($13,62 \pm 0,22$ см) қолиши ва унинг ўсиш коэффицентини 3 кунликдан 60 ойликка қадар 1,76 мартага етиши қайд этилди.

Ноадекват шароитдаги ҳисори зотли қўйлар билакузукни ёзувчи билак мускули оғирлигининг абсолют кўрсаткичи постнатал ривожланишининг 3 кунлигидан 3 ойлигига қадар $6,66 \pm 0,13$ г дан $6,66 \pm 0,13$ г, ўсиш коэффицентини 2,49 мартага ортиши, кейинги 6 ва 12 ойликларда бу жараён катта оғишларсиз (мос равишда, $17,8 \pm 0,37$ г, $K = 1,07$; $19,42 \pm 0,25$ г, $K = 1,09$) давом этиб, 18 ойликда бирмунча жадал ортиши ($25,6 \pm 0,33$ г, $K = 1,31$) кузатилди. Мускул оғирлигининг абсолют кўрсаткичи постнатал онтогенезининг 36 ойлик босқичида сезиларли пасайиб ($16,74 \pm 0,39$ г, $K = 0,65$), 60 ойликда бошқа ёшдагиларга нисбатан энг юқори даражани эгаллаши ($22,4 \pm 0,57$ г, $K = 1,33$), унинг ўсиш коэффицентини 3 кунликдан 60 ойликка қадар бўлган давр мобайнида 3,36 мартага етиши қайд этилди.

Хулосалар:

- ҳисори зотли қўйлар олдинги оёқларининг бўғимларига таъсир этувчи мускуллар чизиқли ўлчамлари ҳамда оғирликларининг абсолют кўрсаткичларини ҳайвонлар организмнинг физиологик ҳолатига мутаносиб тарзда уларнинг яшаш шароитидан қатъий-назар, постнатал онтогенезнинг дастлабки 3 ойлигига қадар бўлган давр мобайнида жадал ортиши, ўрганилган барча ёшдагиларга нисбатан эса 18 ойлик босқичда энг юқори кўрсаткични намоён қилиши кузатилди;

- ҳисори зотли қўйлар олдинги оёқ бўлими мускулларининг чизиқли ўлчами ҳамда оғирлигининг абсолют кўрсаткичларини ўсиш динамикасига уларнинг табиий яшаш шароити бевосита таъсир кўрсатиб, у адекват шароитдагиларда ноадекват шароитдагиларга нисбатан юқори бўлиши аниқланди;

- адекват ва ноадекват табиий шароитда парвариш қилинган ҳисори зотли қўйлар постнатал онтогенезининг 3 кунлигидан 60 ойлигига қадар бўлган давр мобайнида олдинги оёқ проксимал бўғимларига таъсир кўрсатувчи мускуллар абсолют кўрсаткичларининг ўсиш коэффицентини чизиқли ўлчамлариникига қараганда оғирликларида юқори бўлиши қайд этилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Александровская О.В., Радостина Т.Н., Козлов Н.А. Цитология, гистология и эмбриология, 1987. - М.: Агропромиздат. - С. 145-162. (Aleksandrovskaya O.V., Radostina T.N., Kozlov N.A. Sitologiya, gistologiya i embriologiya, 1987. - M.: Agropromizdat. - S. 145-162.)

2. Бойчук Н.В., Исламов Р.Р., Улумбеков Э.Г., Чельшев Ю.А. Гистология, 1997. - М.: ГЭОТАР. - С.209-297. (Boychuk N.V., Islamov R.R., Ulumbekov E.G., Chelyshev Yu.A. Gistologiya, 1997. - M.: GEOTAR. - S.209-297.)

3. Заварзин А.А. Основы сравнительной гистологии, 1985. - Ленинград: изд ЛГУ. - С.236-289. (Zavarzin A.A. Osnovy sravnitel'noy gistologii, 1985. - Leningrad: izd LGU. - S.236-289.)

4. Жуковский А.Н. Рост мышц, их гистологические и химические изменения с возрастом в постнатальном развитии романовских овец: Автореф.дисс□

канд.вет.наук, 1970. - Иваново,-22 с. (Jukovskiy A.N. Rost myshs, ix gistologicheskiye i ximicheskiye izmeneniya s vozrastom v postnatalnom razvitii romanovskix oves: Avtoref.diss... kand.vet.nauk, 1970. - Ivanovo,-22 s.)

5. Никонова Е.А. Особенности формирования мясной продуктивности молодняка овец цигайской породы: Автореф. дис...канд. с.-х. наук, Оренбург, 2009. - 24 с. (Jukovskiy A.N. Rost myshs, ix gistologicheskiye i ximicheskiye izmeneniya s vozrastom v postnatalnom razvitii romanovskix oves: Avtoref.diss... kand.vet.nauk, 1970. - Ivanovo,-22 s.)

6. ButterfieldR.M., GriffithsD.A., ThompsonJ.M., ZamoraJ., James A.M. Changes in body composition relative to weight and maturity in large and small strains of Australian Merino rams. 1. Muscle, bone and fat // Anim. Prod. -1983. -vol. 36. - P.1. - P.29-37. (ButterfieldR.M., GriffithsD.A., ThompsonJ.M., ZamoraJ., James A.M. Changes in body composition relative to weight and maturity in large and small strains of Australian Merino rams. 1. Muscle, bone and fat // Anim. Prod. -1983. -vol. 36. - P.1. - P.29-37.)

7. TotlandK., UlriksenD., SlindeF. Connective tissue: connect and arrangement of peremysium in bovine muscle with special emphasis elastin / 31-th Europ. Meet of Res. Workers/ 1985 - p.216 - 219. (TotlandK., UlriksenD., SlindeF. Connective tissue: connect and arrangement of peremysium in bovine muscle with special emphasis elastin / 31-th Europ. Meet of Res. Workers/ 1985 - p.216 - 219.)

АГРО ПРОЦЕССИНГ ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ JOURNAL OF AGRO PROCESSING

Собиров.И.А.


Тошкент Давлат Аграр Университети
Андижон филиали катта ўқитувчиси.

Солиев Б.Ч.

мустақил тадқиқотчи,
амалиётчи ветеринария врач.

ЭЧКИЛАРНИ ИНФЕКЦИОН КАСАЛЛИКЛАРДАН МУХОФАЗА ЭТИШНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ

For citation: Soliyev I., Soliyev B. SOME QUESTIONS OF PROTECTING GOATS FROM INFECTIOUS DISEASES. Journal of Agro Processing. 2020, 2 vol., issue 2, pp. 51-61

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2020-2-10>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада эчкиларнинг инфекциян касалликлардан, хусусан инфекциян плевропневмония касаллигидан химоя этишнинг назарий ва амалий масалалари келтирилган. Республикамизда чорвачиликка ҳукумат томонидан кўрсатилаётган катта эътибор туфайли барча чорвачилик соҳалари, шу жумладан эчкичилик ҳам тобора ривожланмоқда. Айниқса суддор эчки зотли хайвонларининг турли мамлакатларидан келтирилиши ва ўзимизда урчитилиши туфайли эчки бош сонлари янада кўпайди. МЕВ (МЕБ) Бутун жаҳон хайвонлар соғлигини сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра эчкилар инфекциян плевропневмония касаллиги стационар равишда Хиндистон, Покистон, Эрон, Туркия, ғарбий Африканинг баъзи мамлакатларида, жанубий - шарқий Осиё мамлакатлари ва марказий Америка да учратилади. Ўзбекистонда касаллик 1950 йилларда тугатилган бўлиб ҳозирда қайд этилмайди.

Калит сўзлар: Чорвачилик, эчкичилик, юқумли инфекциян касалликлар, летал -ўлим холат, иқтисодий зиён, эчкиларни инфекциян касалликлардан муҳофаза этиш, эчкилар инфекциян плевропневмонияси касаллигини келиб чиқишининг олдини олиш-профилактикаси.

Собиров И.А.

Андижанский филиал Ташкентского
Государственного Аграрного Университета

Солиев Б.Ч.

Независимый исследователь, ветеринарный врач

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ОХРАНЫ КОЗ ОТ ИНФЕКЦИОННЫХ БОЛЕЗНЕЙ

АННОТАЦИЯ

В данной статье представлены теоретические и практические вопросы охраны здоровья коз от инфекционных болезней, в частности от инфекционной плевропневмонии. Благодаря постоянной заботы и внимания к животноводству, в том числе козоводству со стороны правительства нашей республики козоводства успешно развивается, увеличивается поголовье коз молочного направления импортированного из других стран. По данным МЭБ Всемирной Организации здравоохранения животных инфекционная плевропневмония коз стационарно регистрируется в Индии, Пакистане, Иране, Турции и в некоторых странах западной Африки, юго-восточной Азии и центральной Америки. В Узбекистане ИППК было ликвидировано в 1950 годах и сейчас не регистрируется.

Ключевые слова: Животноводства, козоводства, заразные инфекционные болезни, летальность, экономический ущерб, охрана здоровья коз от инфекционной плевропневмонии, профилактика инфекционной плевропневмонии.

SOME QUESTIONS OF PROTECTING GOATS FROM INFECTIOUS DISEASES

ANNATATION

The article accepted the problems of protecting goats from pleuropneumonia and such kind of infections. In our country gives a huge amount of conditions to the cattle-raising, especially to goat-raising. Today our country trying to increase the number of goats which are specialized for milk, for this reason are importing goats and propagating them. The information which is based on MEB said that you can meet the infection of goats otherways pleuropneumonia in India, Pakistan, Iran, Turkish and also in northern Africa and in Asian countries and in central America. This illness was finished in 1950 in Uzbekistan but today it do not noticed yet.

Keywords: Livestock, goat breeding, infectious infectious diseases, mortality, economic damage, health protection of goats from infectious pleuropneumonia, prevention of infectious pleuropneumonia.

Эчкичилик халқ хўжалигига бир неча хил махсулотлар: ноёб саноат хом ашёси - тивит, бир хиллик ангор жуни ёки мохер, тери, гўшт ва сут беради. Эчкилар бошқа хайвонлар ўтлай олмайдиган тоғ, чўл ва ярим чўл яйловларида боқилиши хисобига арзон махсулот бера олади. Эчкилар қўйлар каби майда шохли моларга мансуб, яшаш давомийлиги, тишларининг ёшига қараб ўзгариши, тери - жун қопламининг тузилиши каби жихатлари билан қўйларга ўхшаш. Бироқ қўйлардан фарқланадиган жихатлари ҳам бор. Масалан, эчкилар танаси бироз қуруқроқ ва бурчаксимон. Қўйлардан овози, товуши, темпераменти, ўзини тутиши билан кескин фарқланадилар. Қўйларга нисбатан ҳаракатчан, тоғ ён бағирларига хаттоки, ёнбошлаб ўсган дарахт танасига ҳам тез ва осон кўтарила оладилар, унча кўп бўлмаган пода билан ёки ёлғиз холда, унча катта бўлмаган майдончаларда

боғлоқлик холда ҳам ўтлай оладилар. Қўйларга қараганда уларнинг овқат хазм қилиш органлари кучли тараққий қилганлиги учун 64% гача клечатка сақлайдиган озуқаларни ҳам хазм қила оладилар. Сабзавот, илдизмевали озуқаларни ва инсонлар истеъмолидан ошиб қолган овқатларни ҳам эчкилар осон ўзлаштирадилар.

Эчкилар кўп бола берадилар, болалари тез, 5-7 ойлигида жинсий етилади. Бироқ қочиришга 1,5 ёшлигидан бошлаб қўйилади. Жинсий майл қўйларга нисбатан фаолроқ ва ёрқинроқ намоён бўлади. Ёғозлик муддати ўртача 150 кун.

Тўғри парваришланса ва меъёрида озиқлантирилса эчкилар жуда кам касалланадилар, бир минутда пульси 70-80 та, нафас олиши 15-20 марта. Нормал тана харорати 39-40°C, деярли барча инфекцион касалликларда тана харорати 41-42°C га кўтарилади, пульс 100 тага ва ундан ҳам кўпга етади, хансираш, тез тез нафас олиш кузатилиб, нафас олиш бир минутда 80 ёки ундан ҳам кўп бўлади. Иштаха йўқолиб, қулоқлар совиб кетади, хайвон аянчли инграб овоз чиқаради.

Эчкилар турли иқлим шароитларига қўйларга нисбатан осон мослашадилар, шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг чўл, ярим чўл, дашт, тоғли худудларида ва аҳоли томорқа хўжаликларида кўпайтириб келинади. Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг эчки сутига талаб ошганлиги сабабли Европадан асосан Заанен сутдор эчкилар кўплаб келтира бошланди.

Сутдор эчки зотларига заанен ва тоггенбург зотлари киради.

Заанен эчки зоти ватани Швейцария бўлиб, тана тузилиши бўйича жаҳонда энг йирик ҳисобланади. Эчкиларнинг бўйи 75-77 см, вазни 50-60 кг, такаларининг бўйи 82-85 см, вазни эса 70-80 кг келади. Эркак улоқча туғилганида вазни 4,5 кг, урғочи улоқчаники 3 кг атрофида бўлади. Заанен эчкилари танаси узун ва кенг бўлиб, елини шарсимон ва ноксимон, сўрғичлари яхши ривожланган, суяклар мустаҳкам, бош ўртача катталиқда ва тўқол (шоҳсиз), жун қопламаси унча ривожланмаган, туси оқ. Заанен зот эчкилари серпушт, болалари тез етилади. 100 та она эчки хисобига 180 тадан то 250 тагача бола олинади. Лактация муддати 10-11 ой давом этади, 3,8-4,5% ёғли сутдан 600-700 кг соғиб олиш мумкин.

Тоггенбург зот эчкилар ҳам Швейцарияда яратилган, лекин тирик вазни бўйича заанен эчкиларидан кичикроқ бўлиб, она эчкилар 45-55 кг, такалари 60-70 кг дан ошмайди. Тана баландлиги 70-75 см келади, туси кўнғир ва тумшуғи атрофида паралел равишда оқ йўли бор. Бир лактация мобайнида 400 кг дан 1000 кг гача ўртача 4% ли ёғлиликди сут беради.

Хозирда эчки сутининг фойдали эканлиги ҳақида ва турли аллергия холатларда ва касалликларда ҳам болалар ичиши мумкинлиги тўғрисида кўп айтилмоқда. Ҳақиқатдан ҳам эчки сути бир қатор фойдали хусусиятларга эга, масалан у гипоаллерген маҳсулот. Эчки сути тўйимли бўлиб, таркибида кўп миқдорда Д витамин ва кальций мавжуд. Сигир сутига нисбатан эчки сутида ёғ кам ва калориялилиги пастроқ.

Эчки сути ва ундан тайёрланган пишлоқлар ҳам пархез озуқа хисобланиб, болалар ва организми заифлашган кишиларга тавсия этилади. Эчки сутидан тайёрланган пишлоқнинг фойдали хусусиятларидан яна бири шундаки, у сут ачитувчи бактерияларга бой, шу сабабдан ҳам уни тирик йогуртга қиёслашади. Унда 100 хилдан ортиқ фойдали бактериялар мавжуд бўлиб, микроб ва вирусларга қарши кураша олади. Бу микроорганизмлар патоген - касаллик чақурувчи микробларнинг кўпайишига қарши таъсир этади.

Андижон вилоятининг Олтинкўл туманидаги "Бахт имкон ривож чорваси" наслчилик фермер хўжалигида хозирги пайтда Заанен зотга мансуб эчкиларни

бош сонини 10000 бошга етказиш ва эчки сутини қайта ишлайдиган ва тайёр махсулот ишлаб чиқарадиган цех очишга тайёргарлик кўрилмоқда. Бундай хўжаликларни бошқа қилоятларда ҳам кузатиш мумкин.

Бироқ Ўзбекистонда асосан гўшт учун маҳаллий дағал жунли эчкилар кўпроқ учратилади. Улар учун шохларининг мавжудлиги, шохнинг кучли тараққий этганлиги хосдир. Маҳаллий эчкиларнинг оёқлари қуруқ, суяклари ва қорамтир рангли туёқчалари яхши ривожланган. Турли туманларда эчкиларнинг танаси катталиги турлича бўлиб, йирик танали эчкилар асосан қўйчилик яхши ривожланган туманларда учрайди. Туси кўпинча қора ва кул рангли, тус ёшнинг ўзгариб бориши билан ўзгармайди. Жуни бир хил эмас, 4-7 см ли тивит ва 7-15 см ли қилдан иборат. Эчки гўшти дағал жунли эчкиларнинг асосий махсулоти бўлиб, дағал жунли эчкилардан ҳам юқори сифатли, мазали гўшт олиш мумкин, бичилган такаларнинг нимтаси оғирлиги 18-22 кг атрофида чиқади, ички ёғи 3 кг гача. 6-7 ойлик эчки болаларидан 7-10 кг гача гўшт олинади. Уларнинг сутдорлиги 70-150 кг, ёғлилиги эса 3,9 дан то 6,8 % гача.

Эчкиларнинг ўзига хослик жиҳатларидан бири яна шунда ҳам намоён бўладики, фақат эчкилар учунгина хос бўлган инфекцион касалликлар ҳам мавжуд. Бу эчкиларнинг инфекцион плевропневмония касаллигидир. Касаллик 1940-1950 йилларда Озарбайжон, Арманистон, Грузия, Ўзбекистон ва Туркманистонда доимий қайд этилиб турилган, Ўзбекистонда 1950 йилда батамом тугатилган бўлиб, ҳозирда Россия давлатида ҳам қайд этилмапти. Эчкиларнинг инфекцион плевропневмония касаллиги ҳозирги пайтларда Хитой, Мўғулистон, Хиндистон, Покистон, Эрон, Туркия, ғарбий Африканинг баъзи мамлакатларида, жанубий-шарқий Осиё мамлакатлари ва марказий Америкада учратилади.

Бу касаллик лотинча - *Pleuropneumonia infectiosa caprae*, инглизча - *infectious pleuropneumoniae of goat*, русча - инфекционная плевропневмония коз (ИППК) ёки контагиозная плевропневмония коз (КППК) деб аталади.

У ўткир ва сурункали кечадиган инфекцион юқумли, контагиоз касаллик бўлиб, тана хароратининг юқори бўлиши (истима), ўпканинг крупоз, эксудатив-некротик, плевранинг сероз-фибриноз яллиғланиши ва ўпка бўлаклари бириктирувчи тўқимасининг сероз яллиғланиши, сурункали капсулага айланадиган секвестрлар хосил бўлиши билан характерланади.

Тарихий маълумотнома: Инфекцион плевропневмония касаллиги қадим замонлардан буён Африка шимоли мамлакатларида, хусусан Жазоирда маълум бўлган, касаллик ҳақида дастлаб 1873 йилда Жазоирдан Thomas маълумот берган. Касаллик 1888 йилда Пиреней ярим оролида, 1893 йилда эса Саксонияда Швейцариядан олиб келинган касал эчкилардан юқиши туфайли пайдо бўлган. 1894-1895 йилларда Германияда касалликнинг мавжудлиги ҳақида 1918 йилда хабар берганлар.

Эчкиларнинг инфекцион плевропневмония касаллиги Африка, Осиё, Европада кенг тарқалган ва кўпчилик муаллифлар томонидан ёзиб қолдирилган.

Иқтисодий талофот: авваллари касаллик қайд этилмаган, инфекцион плевропневмония касаллигидан холи, соғлом бўлган хўжаликларда, аҳоли пунктларида айниқса катта иқтисодий талофат кўрилади, бундай хўжаликларда касаллик эчкилар орасида жуда тез тарқалиб, касалланган эчкиларнинг 90-100% нобуд бўлади ёки мажбуран сўйилади. Касаллик қайд этилиб келинган, стационар соғлом эмас деб топилган хўжаликларда ва аҳоли пунктларида эса 15% дан 50% гача эчкилар касалланади, уларнинг 30-60% ўлади ёки мажбуран сўйилади. Бундан

ташқари, карантин - чеклов ва эпизоотияга қарши тадбирларга ҳам катта харажатлар талаб этилади. Авваллари самарали вакцина ва даволаш препаратлари бўлмаганлиги сабабли инфекцион плевропневмония касаллиги эчкичиликка жуда катта иқтисодий зарар етказиб келган .

Касаллик қўзғатувчиси - *Mycoplasma mycoides var capri* Ленглейнинг дастлаб аниқлаши бўйича ўртача ўлчами 0,3-0,5 микронли вирус.

Қўзғатувчи қорамолларнинг перипневмония ёки қорамоллар ўпкасини ялпи яллиғланиш касаллиги қўзғатувчисига ўхшаш бўлиб, фақат ундан антиген тузилиши бўйича фарқ қилади.

Морфологик шакллари бўйича қўзғатувчи кокклар, таёқчалар, ипсимон, юлдузчасимон, бурама шаклларга эга, фавкуллда полиморф микроорганизм бўлиб, ташқи мухит таъсиротларига чидамли, йилнинг иссиқ фаслида қуриган хавода 3 кунгача ўзининг фаолиятини сақлайди, +2°C да 15 кунгача фаол бўлади, музлатилган ҳолатдан вакуумда қуритилиб, ампулада пайвандланса, ҳаво хароратида 6-7 ойгача фаоллигини йўқотмайди.

